

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Вахобов Жасур Тохиржон ўғли

**Мавзу: “САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТАННАРХИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ”**

Мутахассислик: 5230400 – “Иқтисодиёт”

Бакалавр академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Иф.н. доцент Р. Исмоилов

Наманган – 2015

“САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ”

Мундарижа

Кириш

I. боб. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришнинг назарий асослари.....

1.1. Ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашнинг назарий ҳамда методологик асослари.....

1.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштириш асослари.....

1.3. Иқтисодийни модернизациялаштириш жараёнида ишлаб чиқариш таннархига таъсир этувчи омиллар.....

II. боб. Наманган вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархи ва уни режалаштириш фаолияти таҳлили.....

2.1. Наманган вилояти саноат корхоналари фаолияти ва уларда таннархни пасайтириш масалалари.....

2.2. Наманган вилояти пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари таҳлили.....

2.3. Наманган вилояти пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида таннарх ва уни режалаштириш фаолияти таҳлили.....

III. боб. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришнинг такомиллаштириш масалалари.....

3.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришни такомиллаштириш.....

3.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари.....

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар.....

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга ижтимоий-иқтисодий чоралар дастурида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш тадбирлари аҳамиятли ўрин тутди.

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикада корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асосиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади. Жаҳон ҳамжамиятига тенг шериклилик асосида аъзо бўлиб турган мамлакатимиз иқтисодиёти аста-секин, босқичма-босқич ривожланиб, юксалиб бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бирга иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давом этмоқда. Мамлакатимиз раҳбариятининг олиб бораётган иқтисодий соҳалардаги сиёсати натижасида саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспорт, қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида жумладан хизмат кўрсатишда ҳам жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, 2006-2014 йилларда мамлакат иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланди. Ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) ўсиш суръатлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундай ўсиш суръатлари жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижасида сифатида бўлмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш борасида тўплаган тажрибамиз бизнинг ташқи омилларга боғлиқлигимизни камайтириш, ички талабни шакллантириш ва бозорларимизни зарур истеъмол товарлари ҳамда бутловчи маҳсулотлар билан тўлдириш, ташкил этилган ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш, валюта

ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим роль ўйнашини амалда тасдиқламоқда.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг жадал ўсиб бораётгани бунинг амалий тасдиғидир. 2005 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар 9,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич қарийб 20 фоизга етди.¹

Саноат корхонаси миллий иқтисодиётимизнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинидир. Мамлакатимиздаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни асосида ўз фаолиятини амалга оширадилар. Ушбу қонунда корхонага умумий таъриф берилган бўлиб, унда қуйидагилар таъкидланади:

Корхона – ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақил равишда фаолият юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш асосида истеъмолчилар талабини қондириш ва даромад олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди. Ушбу мақсадда ташкил қилинадиган корхоналарнинг барчаси ҳам бирдай самарали ишлаб кета олмайди. Уларнинг бир қисми самарали тарзда фаолият юритиб, ўз ҳиссасини ошириб борса, бир қисми эса бозор иқтисодиёти шароитидаги кескин рақобат курашида енгиб чиқа олмай, ўз фаолиятини қисқартиришга ва ҳатто тугатишга ҳам мажбур бўлмоқдалар. Бугунги кунга келиб саноат корхоналари ўртасидаги рақобат кураши янада кескинлашиб бормоқда. Бундай шароитда саноат корхоналарининг фаолиятини сақлаб қолиш ва уни кенгайтириш бўйича амалга оширилиши керак бўлган талайгина тадбирлар, бажарилиши керак бўлган ишлар мавжуд. Ушбу тадбирлар ва ишлар орасида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш, уларнинг умумий фаолиятини такомиллаштириш сингари тадбирлар ҳам бор.

¹ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Ҳозирги даврда саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришни такомиллаштириш асосида, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Саноат корхоналарининг фаолияти, самарадорликни ошириш масалалари, уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш, улар фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳамда корхоналарнинг хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти бўйича мамлакатимиз ва чет эл олимлари қатор тадқиқотларни амалга оширганлар. Ишлаб чиқаришни оқилона ва тадбиркорларча ташкил этиш ва бошқариш ҳамда хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти, хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини моливий таҳлил қилиш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз ҳамда хориж олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. Улар қаторига қуйидаги олимлар ва тадқиқотчиларни киритишимиз мумкин: А.Ортиқов, А.Эгамбердиев Э.Ҳ. Махмудов, З.Румянцева, Н.Соломатина, Н.А. Зайцев, Е.Афанасьев, О.Хикматов, О.И.Волкова, В.П.Грузинова, В.Я.Горфинкель, Р.А. Убайдуллаева, В.Чжен, О.Абдуллаев, Н.Махмудов, И.В.Сергеева, В.Ж. Дубровский, Ш.Р.Холмуминов, В. Шепелев, И.Искандаров, М.Л. Турсунхўжаев, С.Ғуломов ва бошқа қатор иқтисодчи олимлар. Ушбу олимлар ва тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари, амалга оширган ишлари ва улар асосида тайёрланган хулосалар ва таклифлар натижасида айрим саноат ва корхоналар фаолиятида катта иқтисодий самара олиними таъминланган. Аммо, мазкур тадқиқотларда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш омили таҳлили натижалари асосида корхона ва ташкилотларда самарали фаолиятни йўлга қўйиш масалалари бўйича етарли даражада ишлар амалга оширилмаганлиги аниқланган. Айниқса, Европа ва Америка Қўшма

Штатларида рўй бераётган иқтисодий ва молиявий таназзул шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш йўналишлари бўйича деярли тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг муҳимлиги ва уларнинг ечими ҳозирги вақтда ниҳоятда долзарб эканлиги ушбу тадқиқот ишининг мавзусини танлашга, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари.

Тадқиқот ишининг мақсади иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда саноат корхоналарида маҳсулот таннархини пасайтириш, уни таҳлил қилиш асосида улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Тадқиқотда ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

-саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришнинг назарий асосларини ўрганиш;

-ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашнинг назарий ҳамда методологик асосларини ёритиш;

-саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштириш асосларини ўрганиш;

-иқтисодиётни модернизациялаштириш жараёнида ишлаб чиқариш таннархига таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

-Наманган вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархи ва уни режалаштириш фаолиятини таҳлил қилиш;

-Наманган вилояти саноат корхоналари фаолияти ва уларда таннархни пасайтириш масалаларини ўрганиш;

-Наманган вилояти пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

-Наманган вилояти пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида таннарх ва уни режалаштириш фаолиятини таҳлил қилиш;

-саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришнинг такомиллаштириш масалаларини ўрганиш;

-иқтисодий модернизиациялаш шароитида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

-саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишларини баён этиш;

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоятидаги саноат асосида ишлаб чиқариш корхоналари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида эса иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштириш хизмат қилади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарларида ва маърузаларида илгари сурган ғоялар, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича фикрлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар, йирик иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ва ишлари, шунингдек, саноат корхона ва ташкилотларида эришилган илғор натижалар тадқиқот ишининг назарий ва услубий асосларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Тадқиқот ишида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги шароитида саноат корхоналарида ишлаб таннархини пасайтириш ва уни самарали режалаштириш орқали ушбу корхоналарнинг самарали фаолиятини таъминлаш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган, йўналишлари белгиланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ифодаланди:

-ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашнинг назарий ҳамда методологик асослари ёритилди;

-иқтисодий модернизиациялаштириш жараёнида ишлаб чиқариш таннархига таъсир этувчи омиллар баҳоланди;

-Наманган вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархи ва уни режалаштириш фаолияти таҳлил қилинди;

-Наманган вилояти саноат корхоналари фаолияти ва уларда таннархни пасайтириш масалалари ўрганилди;

-Наманган вилояти пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари таҳлил қилинди;

-Наманган вилояти пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида таннарх ва уни режалаштириш фаолияти таҳлил қилинди;

-саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришнинг такомиллаштириш масалалари ўрганилди;

-иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилди;

-саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари баён этилди;

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқотда эришилган натижалар асосида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши орқали саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, самарали режалаштириш, улар фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш, тадқиқот ўтказилиши натижасида олинган хулоса, фикр ва тавсияларни саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш катта самара беради ҳамда корхоналарнинг самарадорлигини ошириш йўлида тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда, тадқиқот ишида олинган натижалар, билдирилган фикрлар, хулоса ва тавсияларни «Иқтисодиёт» ва бошқа иқтисодий йўналишларда таҳсил олаётган талабалар учун яратилаётган ўқув қўлланмаларида, маъруза матнларида, дастур ва услубий қўлланмаларида қўллаш ҳамда дарс жараёнида фойдаланиш катта самара беради.

Тадқиқоти ишининг таркиби. Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. боб. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришнинг назарий асослари.

1.1. Ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашнинг назарий ҳамда методологик асослари.

Иқтисодиёт назариясида қиймат ва таннарх масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Умуман олганда, товарнинг қиймати унинг бошқа товарга айирбошлана олиш даражасини аниқлаш учун зарурдир. Нарх (баҳо) ва қиймат тушунчалари орасида деярли фарқ йўқ. Фақатгина нарх (баҳо) – бу товар қийматининг пулдаги ифодасидир холос.

Иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи категориясидан ҳам кенг фойдаланилади. Қиймат ва ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут ишлаб чиқариш субъектининг даромади ёки фойдаси ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи – маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Саноат олдида турган асосий вазифалардан бири – бу маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришдир. Бу вазифанинг бажарилиши натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга имконият яратади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида барча ресурслардан беками-кўст фойдаланиш бу кўрсаткичларнинг родини ошириш заруриятини тақозо этади. Шу сабабли таннарх атамасининг моҳияти, аҳамияти, мазмуни ва шакллари яхши билиш ҳамда уни пасайтириш масаласига катта эътибор бериш керак бўлади.


Бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда хомашё ва материаллар, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган

юклама харажатлар сарфланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи деб аталади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва уни ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннаrxини аниқлаш ва уни ҳосил қилувчи харажатларни туркумлаш мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннаrxини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:



1-расм. Ишлаб чиқариш таннаrxини ҳосил қилувчи харажатлар

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли бўлади:

1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот асосини ташкил этиб унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда,

хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисодланган четдан сотиб олинадиган хомашё ва материаллар.

2. Нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланадиган, харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментлар, мосламалар, инвентар, приборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа арзонбаҳо ашёларнинг эскириши.

3. Сотиб олинадиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар.

4. Ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характериға эга бўлган ишлар ва хизматларға маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хомашё ва материалларға ишлов бериш, истеъмол қилинаётган ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларға риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, деталлар, инструментлар, инвентарлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехға келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборға келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятиға эга бўлган хизматларға тегишли бўлади.

5. Табиий хомашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун – ёғоч-тахта материаллардан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари.

6. Технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган Ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари.

7. Хўжалик юритувчи субъектнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. (Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади).

8. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши.

9. Хўжалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

10. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

11. Маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

12. «Моддий харажатлар» элементи бўйича акс этириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, жумладан, бартер битишувларида, кўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, хусусан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

Таннарх структураси тармоқлар ва корхоналарнинг хусусиятига, ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишига боғлиқдир.

Маҳсулот таннархининг структураси ўзгармас миқдор ҳисобланмайди. Саноатнинг ўсиши, техника ва ишлаб чиқариш технологияси такомиллашиши, асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши, иш ҳақи миқдорининг ўзгариши, истеъмол буюмлари баҳоларининг тартибга тушиши ва транспорт тарифларининг ўзгариши билан маҳсулот таннархи структураси ҳам ўзгаради.

Ўзбекистон саноат тармоқлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархининг структураси (ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар фоиз ҳисобида)

	Жами харажатлар	Ш у ж у м л а д а н					
		Хомашё ва асосий материаллар	Ёқилғи	Энергия	Амортизация	Иш ҳақи ва ундан ажратма	Бошқа харажатлар
Умуман саноат							
2000 й.	100	77	1,8	1,4	3,3	10,7	2,1
2013 й.	100	77,8	3,4	4,1	8,4	7,0	5,1
Электроэнергетика							
2000 й.	100	-	45,9	0	23	20,6	5,2
2013 й.	100	3,6	60,2	16,0	1,9	10,3	8,0
Газ саноати							
2000 й.	100	-	1,3	13,5	36,2	26,7	17,3
2013 й.	100	39,2	1,3	15,3	9,8	6,4	28,0
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш							
2000 й.	100	61,1	0,6	1,5	4,1	26,3	2,9
2013 й.	100	67,0	1,2	1,5	13,9	12,3	4,1
Енгил саноат							
2000 й.	100	89,7	0,2	0,4	0,8	5,4	0,8
2013 й.	100	80,7	1,1	1,9	2,3	8,0	6,0

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Маҳсулот таннархи, синтетик кўрсаткич бўлиб, унинг ўзгаришига ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш; янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш; меҳнат, ишлаб чиқаришни, бошқаришни такомиллаштириш кабилар таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатлари; савдо-сотиқ, воситачилик ва ҳоказолар билан боғлиқ корхоналарнинг муомала харажатлари аниқланади. Ишлаб чиқариш ёки муомала харажатлари таркиби, уларни қонунлар асосида тартибга солиш, солиқ тизими хусусияти билан боғлиқдир.

Маҳсулот партиясига қилинган харажатлар таннарх дейилади. Маҳсулот бирлигига қилинган харажат таннарх даражаси дейилади.

Корхона харажатларини қуйидаги тартибда ўрганиш мумкин:

1. Тўғри ва эгри.

2. Шартли доимий ва шартли ўзгарувчан.
3. Иқтисодий элементлари бўйича ва калькуляция моддалари бўйича.

Демак, маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажатларга қуйидаги иқтисодий элементлар киритилади:


- моддий харажатлар (қайтариладиган чиқинди қиймати чегирилади);
- иш кучи қиймати харажатлари;
- ижтимоий ажратмалар;
- асосий фонд амортизацияси;
- бошқа харажатлар.

Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари деб, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ харажатларга ёки давр харажатларига айтилади.


Уларга хом ашё, материал, ёқилғи, амортизация ажратмаси, ишчи ва хизматчилар иш ҳақи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар киради. Агар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг жами суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига тақсимласак, ишлаб чиқарилган бир маҳсулотнинг таннархини топамиз.

Таннарх кўрсаткичи корхона фаолиятида муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У қанча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча юқори булади.


Ўзгармас харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмайди. Уларга бино ижараси, бошқарув ходимларининг маоши ва шу кабилар киради. Баъзида шартли – ўзгармас харажатлар ҳам амал қилади.



**Ўзгарувчи
харажатлар**




**Ўзгармас
харажатлар**



**Шартли
ўзгармас харажатлар**

2-расм. Харажатлар таркиби.

Корхона ўз сиёсатини ишлаб чиқаришда зарар кўрмаслик нуқтасига эътибор қилади.



3-расм. Зарар кўрмаслик нуқтаси

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларга тўла ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Маҳсулот ишлаб чиқарилгандан сўнг, унинг сотиш харажатларини ҳам инобатга олиш лозим. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ноишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Ноишлаб чиқариш харажатларига: реклама, илмий изланишлар, кредит бўйича фоизлар тўлаш, маҳсулотни сақлаш ва ташиш харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш харажатлари билан ноишлаб чиқариш харажатлари – маҳсулотнинг тўла таннархини шакллантиради.

Айрим маҳсулот бирлигининг таннархи калькуляция дейилади.

Иқтисодий амалиётда қуйидаги калькуляция турлари мавжуд:

- меъёрий калькуляция;
- смета калькуляция;
- ҳисобот калькуляция.

Тармоғий номенклатура учун биринчидан, бир элементлик модда турлари, масалан, «асосий ва қўшимча иш ҳақи ва комплекс модда харажатлари (масалан, корхона автотранспорт хўжалигини сақлаш харажатлари моддаси), иккинчидан у ёки бу калькуляция моддаларига кирувчи тўғри ва эгри харажатларни чегаралаш лозим. Бу эса нафақат ишлаб чиқариш, балки маҳсулот бирлиги таннархини тўлиқ ҳисоблашга имкон беради. Буни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

Калькуляция моддалари бўйича харажат номенклатураси

№	Калькуляция моддалари номи	Моддалар тавсифи
1	Хомашё ва асосий материаллар (ишлатиладиган чиқиндилар чегирилади)	Оддий, тўғри
2	Технологик мақсадда ишлатиладиган ёқилғи ва энергия	Оддий, тўғри
3	Асосий ишлаб чиқарувчи ишчиларнинг, асосий ва қўшимча иш ҳақи	Оддий, тўғри
4	Асосий ишлаб чиқарувчи ишчилар иш ҳақидан нафақа, тиббий ва ижтимоий суғурта ва бандлилик фондларига ажратмалар	Оддий, тўғри
5	Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни жорий этиш харажатлари (таннархга киритилади)	Комплекс, тўғри
6	Сотиб олинадиган ярим фабрикат ва бутлаш(комплектлаштириш) маҳсулотлари	тўғри
7	Бракдан йўқотишлар	Комплекс, тўғри
8	Жами ишлаб чиқариш таннархи (1+2+3+4+5+6+7)	
9	Ускуналардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари	Комплекс, эгри
10	Бўлим харажатлари	Комплекс, эгри
11	Бўлим таннархи (8+9+10)	
12	Корхона харажатлари	Комплекс, эгри
13	Кохона таннархи (11+12)	
14	Маҳсулот амалга оширилиши билан боғлиқ харажатлар	Комплекс, эгри
15	Товар маҳсулотининг тўла таннархи (13+14)	

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган

Корхона ишлаб чиқараётган турли хил маҳсулот таннархининг ўзгаришини ўрганиш учун таннарх агрегат индексидан фойдаланилади. Шунини қайд қилмоқ лозимки, таннарх индекслари фақат таққосланадиган маҳсулот турлари бўйича ҳисобланади.

Корхона доирасида таққосланадиган маҳсулотларга ҳам ҳисобот, ҳам базис даврда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар киритилади.

1.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштириш асослари

Маҳсулот таннархини режалаштириш меҳнат, моддий ва молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилгандир. Таннарх режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:



4-расм. Таннарх режасининг бўлимлари.

Таннарх режаси, икки босқичда ишлаб чиқилади. Биринчи босқичда, энг аввало, ҳисобот йилида режаларнинг бажаралиши таҳлил этилади, маҳсулот таннархини пасайтириш, фойда ва рентабелликни ошириш резервлари аниқланади ва аниқланган резервлардан фойдаланиш тадбирлари белгиланади, режа лойиҳаси ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда эса режанинг узил-кесил лойиҳаси ишлаб чиқилади ва бу режа топшириқлари корхона бўлимларига етказилади.


Ишлаб чиқариш таннархини режалаштириш дастаклари ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи ялпи тизим сифатида намоён бўлади.

Маълумки, корхона ўз мақсадларини бизнес соҳасида белгилаган ўринга қараб аниқлайди. Корхонанинг тегишли бизнес соҳасидаги ўрни миссия, деб аталади ва у ўз навбатида, мақсадларни ишлаб чиқишга ва стратегия шаклланишига асос бўлади. Бунда истиқболдаги ўзгаришлар ва унинг корхона учун кўнгилли жиҳатлари назарда тутилади. Таннархни режалаштиришда асосий эътибор қўйилган мақсадлар сари самарали йўналишларни аниқлашга қаратилади.

Таннархни режалаштирини табақалаштириш (дифференциация) услублари

Режалаштириш йўналтирилган гуруҳлар	Бозор бўйича табақалаштириш	Маҳсулот бўйича табақалаштириш
Истеъмолчилар	Корхона ва унинг маҳсулоти хусусида қатъий обзор	Маҳсулот тафсилоти
Рақобатчилар	Бозордаги улуш (бозордаги назорат)	Савдо маркаси, патент

Таннархни режалаштиришда муқобил стратегияларга киёсий баҳо бериш, жорий ва келгуси рақобатчилик мавқеларини аниқлаш лозим.



5-расм. Таннархни режалаштириш жараёнининг асосий босқичлари

Рақобатчиликдаги мавқени дастлаб баҳолашда рақобат интенсивлиги ва кўламига қараб, стратегик мавқени аниқлаш зарур. Стратегик мавқени корхона

умумлашган тарзда мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, бозорлар ва маҳсулотлар бўйича табақалаштириши керак. Чунончи, И.Ансофф бу хусусда фикр юритиб корхонанинг таннархни режалаштириш стратегиясини табақалаштириш вазифаси билан боғлайди.

Таннархни режалаштириш ресурслар тури бўйича, буюртмалар бўйича, қабул қилинган тегишли дастурлар бўйича, фаолият соҳалари бўйича тартибга солинган ва тақсимланган бўлиши керак.

Бюджетлар-ресурсларни тақсимлаш услуги бўлиб, уларда мақсадга эришиш учун миқдорий хатоликлар, тасодифлар имкон борича тўла назарда тутилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, хатоликлар ва тасодифлар ҳам режалаштиришда инобатга олинган бўлиши керак.

Режалаштиришни амалга оширишда қўлланиладиган дастакларни кўйидаги тизимда ифодалаш мумкин: ташкилий концепция, тактика, сиёсат, тадбирлар, қоидалар ва ҳуқуқий асослар. Ташкилий концепция юқорида таъкидланганидек, корхона миқёсида белгиланадиган қоидалар ҳисобланади. Белгиланаётган тадбирлар ва конкрет қоидалар корхона фаолият юритаётган тармоқ ва тегишли мамлакатдаги қонунчилик асосларига таянади. Кейинги босқичларда режалаштиришнинг ялпи таҳлили, мақсадларга қай даражада эришилиши кўриб чиқилади ва ялпи давр учун кўнгилли, кенг имкониятли янги мақсадлар ишлаб чиқилади.

Режалаштиришни амалга ошириш, шубҳасизки, бошқариш тизимининг изчиллиги, ташкил этиш даражасига бевосита боғлиқ. Амалий фаолиятда корхонанинг бошқариш соҳасидаги кўникмаси, ҳаракатлари ва интилишлари корхона тарзини, корпоратив маданиятининг шаклланишини таъминлайди. Мисол тариқасида стратегик режаларни амалга оширишда ғарб ва япон моделларини олиб кўрайлик. Ушбу икки бошқариш тизимидаги хусусиятлар турли-туман бўлиши билан бир қаторда таннарх режаларини амалга оширишда ҳам бирмунча сезиларли фарқлар мавжуд.

Ғарб модели.

- танловни таҳлил қилувчилар томонидан оптималлаштириш;
- раҳбарларнинг қарор қабул қилишдаги қатъияти;
- тадбирларнинг кетма-кетлиги.

Натижалар.

- қарорларнинг тезкорлиги;
- ҳаракатлар узоқ циклининг мавжудлиги;
- режаларни амалга оширишдаги тўсқинликлар.

Япон модели.

- танловнинг маъқуллигини (кўнгиллилигини) таъминлаш;
- режаларнинг амалий бажарилишини таъминлаш;
- ҳаракатлар йўналишини оптималлаштириш.

Натижалар:

- қарор қабул қилишнинг узоқлиги;
- ҳаракатларнинг қисқа цикли;
- режалаштиришнинг барча ижрочилари томонидан амалга оширилиши (“ринго”);
- режаларнинг бажарилишини ялпи қўллаб-қувватлаш.

Бундай ҳолатнинг вужудга келишида ходимлар меҳнатини ташкил этиш, ишга муносабат, ижрони назорат этиш, корпоратив маданият ва бошқа омиллар муҳим аҳамият касб этади. Масалан, АҚШда ходимлар меҳнати қисқа муддатларга ёллашга асосланса, Японияда бутун ҳаёт давомида ёллаш асосий ўрин эгаллайди. Япон компанияларида ходимлар мувофиқлаштиришсиз, жамоавий масъулият ва мутасаддилик юқори баҳоланса, Америка компанияларида шахсий маъсулият, натижалар ва самарадорликка эътибор ходимлар меҳнатини ташкил этишда етакчилик қилади.

Таннархни ҳаракатлар режаси 6 қуйи босқичга бўлинади:

1. Мақсадларга амалий эришиш имкониятини баҳолаш;
2. Асосий фаолият учун зарурий боғланишларни аниқлаш;

3. Ҳар бир фаолиятни амалга ошириш учун зарурий бўлган роллар, муносабатлар ва тайинли ваколатларни белгилаш;
4. Ҳар бир жараён ва қуйи жараён учун керакли вақтни аниқлаш;
5. Ҳар бир жараён учун зарурий ресурсларни аниқлаш;
6. Муддатларни текшириш ва ҳаракатлар режасини тузатиши (корректировка қилиш).

Стратегик таҳлил ўз моҳияти жиҳатидан амалга оширилиши режалаштирилган ва амалдаги жорий стратегияни қайта баҳолашга, солиштиришга асосланади. Стратегик таҳлилнинг зарурати шундан иборатки, амалга оширилаётган ва келажак учун режалаштирилган вазифалар бевосита корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолатларни, ўзгаришлар ва фавқулодда шароитларни ҳисобга олмасдан, унинг изчиллигини ва самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

Биринчидан, корxonанинг “система” сифатида қаралиши, рақобатчилар, сафдошлар, таъминотчилар, харидорлар, бозорлар ҳолати ва рақобатдаги мавқега боғлиқлиги ҳозирги шароитда янада ортди ва кенг кўламли стратегик таҳлилни тақозо этилмоқда.

Иккинчидан, корxonанинг ички ўзгаришларини самарали ташкил этиш, илмий-техникавий янгиланиш сари интилишнинг кучайиши ҳар бир босиб ўтиладиган босқичдан сўнг яна стратегик мавқени қайта баҳолашни, белгиланган стратегияга ўзгаришлар киритишни, яъни даврий ва муттасил стратегик таҳлилни талаб этади.


Учинчидан, корxonанинг тадбиркорлик объекти сифатида фаолият юритиш, иқтисодий кўрсаткич самарадорлигини доимий назорат этиб бориш зарурати жорий режа таҳлилини, қолаверса, жорий стратегияни миқдорий баҳолашни талаб қилади. Демак, стратегик таҳлил ташқи муҳит ва рақобатчилик мавқеи, имкониятлар ва чекланишлар, натижалар ва ҳолатлар кўламида қаралишини назарда тутди.

Замонавий менежмент соҳаси ривожланиши корхоналарнинг яқин истиқболни аниқлашдаги ўринларининг комплекс таҳлили билан боғлиқ бўлган “назорат” вужудга келишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, бозордаги фаолиятга, харидор эҳтиёжларини ўрганишга эътиборнинг кучайиши “маркетинг ревизияси” алоҳида бир соҳа, изланиш йўналиши ва стратегик таҳлил объекти сифатида шаклланишига олиб келади. Лекин корхона нинг жамиятга нисбатан ўрнини, иштиёқли ёки кўнгилсиз гуруҳлар билан бўладиган муносабатларни мувофиқлаштиришда стратегик таҳлил ўз долзарблигини сақлаб қолди.

Стратегик таҳлил амалий жиҳатдан корхоналар фаолиятида дастлаб:

- маркетинг фаолиятига боғлиқ бўлган ўзгаришлар таҳлилини;
- инновацион фаолиятга боғлиқ бўлган ўзгаришлар таҳлилини ўз ичига олади ва ушбу йўналишлар бўйича шаклланади.

Хуллас, таннархни режалаштириш саноат корхонаси ишлаб чиқариш жараёнининг келгусидаги ўзгаришларини, ижтимоий гуруҳлар иштиёқидаги ўзгаришларни кузатишни талаб этадиган мураккаб жараёндир. Корхона амалга ошираётган режалаштиришга доимий тарзда таҳлилий ва танқидий ёндашиши зарур.




6- расм. Саноат корхонасининг ишлаб чиқариш структураси

1.3. Иқтисодийни модернизациялаштириш жараёнида ишлаб чиқариш таннархига таъсир этувчи омиллар.

Корхоналар тажрибасида маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига, ишлаб чиқариш харажатларига ва маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиларни турлича гуруҳлаштириш мумкин.

Аввало ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омилани кўриб чиқсак,



7-расм. Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар

Бозор иқтисодиёти шароитида таъсирчан омиардан бири- тадбиркорлик омилидир. Шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омилар қаторига тадбиркорлик лаёқати омили ҳам киритилиши тартибланган ва бу тартибланиш иқтисодий жиҳатдан ўрилидир. Чунки юқорида қайд этилган ишлаб чиқариш омиллари тадбиркорлик омили билан биргаликда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этади.

Меҳнат, ишлаб чиқаришнинг муҳим омили саналади, чунки у моддий бойликлар, захираларни хом-ашё сифатида асосий воситалардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни ташкил этади ва тайёр маҳсулот яратилади. Бозор омилари бир-бир билан узвий боғланган ҳолда, ишлаб чиқариш хажмига таъсир этади. Меҳнат омиларини таҳлил этишда фирманинг меҳнат кучлари таркиби,

ҳаракати ва улар билан таъминланганлик, иш вақтидан фойдаланганлик, меҳнатнинг унуми ва меҳнат омилларини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгаришга бўлган таъсирлари аниқланади.

Товрлар ва моддий заҳиралардан фойдаланганлик омилини ўрганишда улар билан таъминланганлик, товар заҳираларининг ҳаракати, моддий жавобгарлар бўйича сақланиш ҳолати, самарали фойдаланганлик, моддий бойликларнинг қайтими ва сиғими ҳамда моддий бойликлардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмига таъсири каби кўртаскичлар таҳлил қилинади.

Бугунги кунда корхоналарнинг техник жиҳатдан қайта қуролланиши муҳим аҳамият касб этади, сабаби, замонавий асосий воситалардан фойдаланиш иш унумининг ортишига, маҳсулотлар сифатини яхшиланишига ҳамда технологик жараёнлардаги йўқотиш – бракларнинг камайишига таъсир этади. Шунинг учун ҳам бу омилнинг таҳлилида корxonанинг асосий воситалари таркиби, ҳаракати ва техник ҳолати, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситалардан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳамда асосий воситалардан оқилона фойдаланишнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига таъсири ўрганилади.

Бошқа омиллар дейилганда, бозор конъюктураси, талаб ва таклиф, рақобатчилар имконияти, истеъмолчи ва буюртмачиларнинг харид қобилияти, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ўзгариши ва шу каби бошқа сабаблар тушунилади.

Алоҳида маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш, молиявий натижага дахлдор бўлган элементларни иқтисодий жараёнларнинг тури, ўрни, жойи ва жавобгарлик бўйича ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши корxonанинг молия-хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Алоҳида олинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархини аниқлашга ҳисоб-китобларнинг муҳим объекти сифатида қаралади. Бунда маҳсулот таннархининг тўғри аниқланишига аҳамият берилади. Маҳсулотлар

таннархини аниқлаш ва ҳисобга олиш, молиявий натижавийликни таркибий ўрганиш билан бирга, фойданинг шаклланиш қаторларини тўғри баҳолаш имконини беради. Бир хилдаги маҳсулот турларини ишлаб чиқарадиган корхоналарда маҳсулот таннархининг қиёсий таҳлили ва унинг натижалари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади.


Алоҳида олинган маҳсулотлар таннархининг таҳлили ҳаражатларнинг иқтисодий элементлари бўйича эмас, балки, ҳаражат моддалари бўйича ўрганишни, уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига баҳо беришни ҳамда ўзгариш сабабларини ўрганишни тавсифлайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг калкуляция моддалари ишлаб чиқариш ва технология жараёнлари хусусиятига боғлиқ. Саноат корхоналаридаги калкуляция моддалари таркибини бир хил кўринишга эга бўлиши таннархни умумий ҳажмда ва моддалари бўйича таҳлил этиш имконияти туғулади. Бундай таҳлил бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот бирлигига белгиланадагина нархни аниқлашда фойда ва рентабелликни оширишда муҳим ўрин тутди.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархига ва унинг ўзгаришларига таъсир этувчи омилларни ҳаражат моддаларининг ҳар бири тури бўйича алоҳида таркиблаш мумкин. Масалан, материал ҳаражатлар ёки ҳом-ашё ҳаражатлари қатори бўйича ҳаражатлар ўзгаришига моддий сарфлар меъёрининг ўзгариши, уларни сотиб олиш баҳоларини ўзгариши таъсир қилса, меҳнат ҳақи ҳаражатларининг ўзгаришида ишчилар сони ва бир ходимга тўғри келадиган иш ҳақларининг ўзгариши таъсир қилади.

Амортизация ҳаражатлари бўйича ҳам худди шу шаклда таркиблашни айтиб ўтиш мумкин, яъни, амортизацияланган қийматнинг ўзгариши, амортизация меъёрлари, шунингдек, амортизация ажратмалари ажратиладиган асосий воситалар тури, салмоғига боғлиқ ва ҳоказолар. Омиллар таъсирини аниқлашда ҳар бир таъсир бирлиги алоҳида ва бошқа омиллар таъсирисиз ўрганилади.

Саноат ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақи фонди таркибида ишчиларнинг иш ҳақи юқори салмоққа эга. Шу боис ишчиларнинг иш

ҳақидан қай даражада фойдаланганлигини назорат қилиш, унумсиз харажатларга йўл қўймаслик таннархни пасайтириш имконини беради. Таҳлил этишда ишчиларнинг ҳисобот давридаги ҳақиқий сарфланган иш ҳақини режадаги, ўтган йилдаги иш ҳақи фонди билан таққосланади, унинг фарқи аниқланади ва унга таъсир этувчи омиллар миқдор жиҳатдан ҳисобланади.



8-расм. Иш ҳақиға таъсир этувчи омиллар

Маҳсулот хажмининг ўзгариши ишчиларнинг иш ҳақи фондига бўлган таъсирини аниқлаш учун, режадаги иш ҳақи фондини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг режага нисбатан ўсиш даражасига кўпайтириш лозим.


Иккинчи омил таъсирини аниқлаш учун ишчиларнинг нисбий фарқи режадаги бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақиға кўпайтириш керак. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақининг ўзгаришини иш ҳақи фондига бўлган таъсирини аниқлаш учун шу кўрсаткичнинг режадан фарқини ҳисобот давридаги ишчиларнинг ҳақиқий сонига кўпайтириш керак.

Ўртача йиллик иш ҳақининг ортиши ишчининг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган нормани ортиғи билан бадариши, ҳамда иш ҳақи таркибидаги унумсиз харажатлар мавжудлиги туфайли юз беради.

Бундан ташқари бир ишчининг ўртача йиллик иш ҳақининг ўзгариши ҳисобига ишчиларнинг иш ҳақи фондига таъсир этади.

Ривож топаётган бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан кўра уларни сотиш муаммоси олдинги ўринга чиқади. Маҳсулотларни сотиш улгуржи ва чакана нархларда амалга оширилади.

Маҳсулот сотиш хажмига таъсир этувчи омилларни қуйидаги чизма орқали кўришимиз мумкин.



9-расм. Сотиб олиш шакллари бўйича нархларнинг шаклланиши.

Маҳсулот сотиш хажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун товар баланси тузилади. Товар баланси кўрсаткичлари тайёр маҳсулот ҳаракатлари маълумотномадан олинади. Бу ҳисобот шаклида тайёр

маҳсулотнинг йил бошига, йил охирига бўлган қолдиғи, ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳамда сотилган маҳсулот улгуржи баҳода ва ишлаб чиқариш таннархида ифодаланган.

Демак, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарига яна қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- тайёр маҳсулотнинг йил бошига бўлган қолдиғининг ўзгариши;
- ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти;
- тайёр маҳсулотнинг йил охирига бўлган қолдиғининг ўзгариши.

Юқорида қайд этилган омилладан ташқари маҳсулот сифатининг режага нисбатан ўзгариши, ассортиментнинг режага нисбатан ўзгариши, ишлаб чиқариш маромийлигини бузилиши, бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, ўриндош товарларнинг бозордаги хажми ва баҳосининг ўзгариши, маҳсулотнинг қадохланиши ҳамда ташқи кўриниши ва ҳоказолар таъсир этади.

II. боб. Наманган вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархи ва уни режалаштириш фаолияти таҳлили.

2.1. Наманган вилояти саноат корхоналари фаолияти ва уларда таннархни пасайтириш масалалари.

2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир.

Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.

Наманган вилоятида ҳам бу борада катта ютуқларга эришиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2014 йил 18 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган «2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари» бўйича вазифаларни амалга оширилиши, шунингдек, Хукумат томонидан қабул қарорлар ва дастурларда белгиланган параметрларни вилоятда ижросини таъминланиши ҳисобига 2014 йил январ-декабр ойлари якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Хусусан, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва қўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-

транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг (ЯҲМ) ўсиш суръати 10,3 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 8,5 фоизга, капитал қўйилмалар 34,3 фоизга, қурилиш ишлари 11,0 фоиз, чакана савдо айланмаси 12,9 фоиз ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 17,7 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига асосан 2014 йил давомида 204,7 млрд сўм миқдорида маблағ ўзлаштириш ҳисобига 1347 та лойиҳаларни ишга тушириб, (саноат соҳасида 392 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 592 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 363 та) 11115 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Ҳисобот даврида 1347 та (режага нисбатан 100,0%) лойиҳалар (саноат соҳасида 392 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 592 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 363 та) амалга оширилиб, 11182 та (100,6%) иш ўринлари барпо этилди. Ушбу мақсадлар учун 215,3 млрд сўм маблағлар (шундан, 135,3 млрд сўми ташаббускорларнинг ўз маблағлари, 79,8 млрд сўми банк кредитлари, 100,0 минг доллар хорижий инвестициялар) сарфланди.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда корпоратив бошқарув тизими корхоналарни умумий мақсадда кўпроқ фойда олиш ва самарадорликка эришиш йўлида корхона мулкдорлари (акциядор, улушдор) ва бошқарувчиларининг ўзаро муносабатлари бўлиб, адолатлилик, ошқоралик, ҳисобдорлик, жавобгарлик принципларига асосланган. Корпоратив бошқарув органлари умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, ижроия органларидан иборат бўлиб, акциядорлар олдида ҳисобдордир.

Вилоятда ўтган йил якуни билан устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари 79 тани (37 та АЖ ва 42 та МЧЖ) ташкил этади.

Ўзбекистон ва Наманган виоятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар номи		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Микдори	Ўсиш суръати, %	Микдори	Ўсиш суръати, %	Микдори	Ўсиш суръати, %	Микдори	Ўсиш суръати, %
Ялпи ички (худудий) маҳсулот, млрд.сўм	Ўзбекистон Республикаси	78764,2	108,263	97929,3	108,161	118986,9	107,9544		
	Наманган вилояти	2996,2	110	3759,2	110	4969,4	111,2	6123,7	110
Жон бошига Ялпи ички (худудий) маҳсулот, минг сўм	Ўзбекистон Республикаси	2684,6	105,395	3289	106,58	3934,61	106,2884		
	Наманган вилояти	1248,5	106,3	1540,9	108,2	2002,8	109,3	2421,4	109,7
Аҳоли жон бошига даромадлар, минг сўм	Ўзбекистон Республикаси	2133,326	127,8894	2601,875	121,9633	3166,515	121,7013		
	Наманган вилояти	1580,094	116,8838	1974,1	116,9	2377,7	112,2	2793	115,1
Ўртача ойлик номинал иш ҳақи, давр охирига, сўм	Ўзбекистон Республикаси	921262,4	119,1992	1056592	114,6895	1203124	113,8684		
	Наманган вилояти	578200	123,6791	728400	125,9772	903700	124,0664	1038600	114,9
Аҳоли сони, минг киши	Ўзбекистон Республикаси	29339,4	102,7204	29774,4	101,4826	30243,2	101,5745		
	Наманган вилояти	2344,5	101,9924	2458,754	104,8733	2504	100,4856	2554	103,5601
Аҳоли бандлиги, минг киши	Ўзбекистон Республикаси	11919,1	102,4999	12223,8	102,5564	12523,3	102,4501		
	Наманган вилояти	841,7	103,618	872,153	103,5942	903,5	103,5942	937,3	107,6985
Ишсизлик даражаси, фоизда	Ўзбекистон Республикаси	4,962724	x	4,873892	x	4,859834	x		x
Меҳнат ресурслари	Наманган вилояти	5,45	x	5,31	x	5,2	x	5,5	x

Манба: Жадвал талаба томонидан Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Бугунги кунга қадар устав жамғармасида давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларининг барчасида кузатув кенгашлари йиғилишлари ўтказилган ва деярли барчасида акциядорлар (иштирокчилар)нинг умумий йиғилиши ўтказилган ва 104 нафар кузатув кенгаши аъзолари ва 78 нафар тафтиш комиссияси аъзолари янги сайланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2006 йилдаги 215-сонли қарорига асосан устав фондида давлат улуши мавжуд ва активлари қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг баробаридан ортиқ бўлган корхоналарда 16 та жамиятларнинг барчасида ички аудит жорий этилган.

Ўтган йил давомида белгиланган режа кўрсаткичларини бажармаган вилоятдаги 4 та хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбарлари билан меҳнат шартномалари бекор қилинган.

Бугунги кунда вилоятдаги 64 та корхоналарда сифат тизимлари жорий этилган ва сертификатланган.

Вилоятда жаъми 103 нафар корхона маҳсулотлари экспорт қилишга йўналтирилган бўлиб, шундан 26 тасида ҳалқаро стандарт талаблари асосида сертификатлаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5-сонли қарорига мувофиқ, вазирликлар, идоралар компаниялар, уюшмалар тасарруфидаги йирик саноат корхоналарида 2014 йилда маҳсулот таннархини ўртача **10,0 фоизга** қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунга кўра, 2014 йилда Наманган вилоятида вазирликлар тасарруфидаги йирик 30 та, ҳудудий тасарруфидаги 2 та саноат корхоналарда иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, жумладан, хом-ашё ва материаллардан фойдаланиш харажатлари ҳамда электр энергия сарфини ва бошқа сарф харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Наманган вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатлари

Кўрсаткичлар номи	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		
	Ўсиш суръати, %	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Ҳажми, млрд. сўм	
Ялпи ҳудудий маҳсулот	109,9	2426,56	112,4	2996,171	110	3759,241	110	4969,4	111,2	6123,7	110
Саноат ишлаб чиқариши (кўшилган қийматда)	107,6	173,8	119	291,7796	111,9	373,781	111,1	538,9	108,4	693,4217	109,5
Қурилиш	115,7	171,4	131,3	239,0282	123,6	280,713	110,2	349	116,1	435,8104	112,5
Қишлоқ хўжалиги	103,8	827	106,5	1012,783	107,2	1307,725	107	1826,5	108,9	2135,669	106,3
Транспорт ва алоқа	105,7	196,5	111,8	281,2504	112,2	348,293	111,6	443,9	107	546,8817	110
Савдо	112	200,92	114,2	266,0488	102,6	347,99	109,6	443,4	114,5	568,6292	113,5
Соф солиқлар	112,9	130,2	115,7	99,8135	111,5	120,3153	111,5	159,2	111,9	186,3882	111,5
Бошқа тармоқлар	119,8	726,74	115,2	805,4675	112,1	980,424	112,8	1208,5	114,5	1556,917	113,5

Манба: Жадвал талаба томонидан Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Белгиланган чора-тадбирлар режаси асосида иқтисод қилишнинг каттиқ тартибини жорий этиш жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш, мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюктурасини тез ўзгариб бораётган бир шароитда экспорт механизмларини такомиллаштириш шунингдек, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан корхона раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш ва уларни моддий рағбатлантиришга қаратилган.

Наманган вилоятидаги 32 та йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқилган қўшимча тадбирларда жорий йил якуни билан маҳсулотлар таннархини тушириш ҳисобига 20,5 млрд. сўм иқтисод қилиш режалаштирилган.

Электр энергия, хом-ашё ва материаллар сарфи нормаларини тушириш, транспорт харажатларини қисқартириш, бошқарув аппарати харажатларини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксизлигини таъминлаш ва йўқотишларни камайтириш ҳисобига 2014 йил 2-чорак давомида ушбу корхоналар томонидан 5,3 млрд.сўмлик маблағлар иқтисод қилинди.

Жумладан, вазирлик тасарруфидаги корхоналарда “Учқўрғондон” АЖда 351,5 млн.сўм, “Попдонмаҳсулотлари” АЖда 125,0 млн.сўм, “Папфен” ҚКда 183,0 млн.сўм, “Намипекстекстиль” МЧЖда 533,0 млн.сўм, шунингдек, худудий тасарруфдаги йирик ишлаб чиқариш салмоғига эга бўлган корхоналардан “Наманганмаш” АЖда 27,3 млн.сўм, “Маш-Хим” МЧЖда 84,0 млн. сўмлик маблағлар иқтисод қилинишига эришилди.

2.3-жадвал

Наманган вилоятидаги саноат корхоналарида 2014 йил якуни билан маҳсулот таннархини қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар

№	Корхоналар	2014 йил режа		Хақиқатда		
		фоиз	млн.сўм	фоиз	млн.сўм	режага нисбатан, (К/-)
Вилоят бўйича жами			11519,6		12071,3	551,7
1	"Нестле Ўзбекистон" ҚК	2,9	400,0	2,4	322,4	-77,6
2	"Попдонмаҳсулот" АЖ	9,8	250,0	9,8	250,0	0,0
3	"Учқўрғон дон маҳсулот" АЖ	9,7	701,3	9,7	703,0	1,7
4	"Наманган дон маҳсулот" АЖ	9,7	249,4	9,7	249,4	0,0
5	"Папфен" ҚК	6,4	450,0	6,3	445,8	-4,2
6	"Намимпекстекстиль" МЧЖ	8,0	1100,0	7,8	1066,0	-34,0
7	"Мега текстил" ХК	6,4	181,6	5,9	169,2	-12,4
8	"Тошбулоқ текс" МЧЖ	6,4	300,0	5,9	278,0	-22,0
9	"Намтекс" МЧЖ	10,3	42,4	8,5	34,8	-7,6
10	"Каптекс" МЧЖ	8,0	180,0	6,4	144,8	-35,2
11	"Бирюза групп" МЧЖ	9,2	478,8	9,3	483,4	4,6
12	"Норин Текс" АЖ	11,0	1000,0	7,2	654,6	-345,4
13	"Golden silk" ШК	10,1	250,0	10,1	250,0	0,0
14	"Узрубериод" МЧЖ	10,0	200,0	5,1	102,0	-98,0
15	"Учқўрғон ёғ" АЖ	7,0	474,0	7,0	474,0	0,0
16	"Наманган тола текстил" АЖ	6,8	140,0	22,8	470,0	330,0
17	"Наманганвино" АЖ	11,5	300,0	9,9	257,6	-42,4
18	"Янгиқўрғон шароби" МЧЖ	11,5	127,9	13,7	152,0	24,1
19	"Гулбоғ пахта тозалаш" АЖ	11,7	664,6	14,8	839,0	174,4
20	"Норин тола" АЖ	11,4	344,3	11,5	348,2	3,9
21	"Поп пахта толаси" АЖ	11,6	615,3	13,8	733,0	117,7
22	"Уйчи пахта тозалаш" АЖ	11,7	564,9	12,3	596,2	31,3
23	"Чуст пахта тозалаш" АЖ	11,4	301,8	9,3	245,8	-56,0
24	"3-сон пахта тозалаш" АЖ	11,6	773,6	17,7	1177,6	404,0
25	"Учқўрғон пахта тозалаш" АЖ	11,6	609,2	14,6	766,8	157,6
26	"Косонсой пахта тозалаш" АЖ	11,3	230,7	9,5	193,4	-37,3
27	"Ўзэлектротерм" АЖ	9,6	308,1	9,6	308,1	0,0
28	"Косонсой Ал-Азиз" МЧЖ	8,0	102,0	8,0	102,0	0,0
29	"Нафис чарм" МЧЖ	8,0	31,5	8,0	31,6	0,1
30	"Наманганмаш" АЖ	1,7	68,2	1,4	54,6	-13,6
31	"Маш Хим" МЧЖ	5,0	80,0	10,5	168,0	88,0

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Лекин, белгиланган режаларни бажарилиши “Нотўқимачи” АЖ (59,2 млн.сўм), “Норин Текс” АЖ (млн.сўм)ларда қисман пасайишларга йўл қўйилган бўлса, бир қатор корхоналарда эса ҳисоботлар яқунланмаганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш таннархни пасайтириш бўйича кўрсаткичлар аниқланмаган.

2.4-жадвал

Наманган вилоятида 2008-2014 йилларда саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008й.	2009й	2010й	2011й	2012й.	2013й.	2014й.	2014 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиш, %
Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми	млрд.сум	434,5	534,5	748,7	1057	1289,3	1629,6	1965,0	452,2
	%	115,2	113,0	123,7	116,1	114,9	112,5	112,5	х
шу жумладан:									
Электроэнергетика	млрд.сум						69,3	90,2	
	%						107,4	106,1	
Ёқилғи	млрд.сум	5,1	5,6	14,4	28,8	49,1	9,8	13,8	268,9
	%	7,7 м	266,0	1494	142,0	3,1 м	62,0	140,1	
Металлургия	млрд.сум		0,6	1,5	2,2	2,8	8,3	10,2	
	%		2,2 м	172,8	104,7	109,9	2,7 м	121,0	
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	млрд.сум	17,3	20,4	58,7	111,9	130,1	160,6	233,8	1354,2
	%	154,2	121,6	248,9	160,6	97,7	110,0	125,9	
Кимё ва нефткимё	млрд.сум	4,2	8,7	8,8	10,9	13,0	16,0	13,5	322,1
	%	109,1	113,8	87,7	101,4	138,5	108,4	66,7	
Қурилиш материаллари	млрд.сум	14,7	20,4	31,5	48,9	42,5	67,4	80,4	547,1
	%	191,9	133,1	147,8	132,7	95,0	121,8	103,4	
Ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз	млрд.сум	7,4	11,3	17,8	24,6	24,2	35,2	42,6	576,0
	%	134,2	148,7	104,2	118,2	94,9	116,3	102,7	
Ойна ва чинни-фаянс	млрд.сум	0,005	0,006	0,002	0,003	0,004	0,007	0,010	202,1
	%	36,2	37,4	172,8	90,9	95,8	138,0	118,7	
Енгил саноат	млрд.сум	196,2	238,2	333,3	405,9	489,2	635,4	754,0	384,3
	%	105,5	112,3	119,0	104,2	116,7	115,7	111,0	
Полиграфия саноати	млрд.сум	0,7	2,8	1,3	4,6	5,3	1,6	2,1	321,5
	%	101,4	123,8	156,3	250,0	85,6	134,5	116,8	
Озиқ-овқат саноати	млрд.сум	134,7	158,0	204,4	316,2	399,9	443,5	498,0	369,7
	%	113,8	105,3	115,1	117,4	114,1	101,4	108,7	
Ун-крупа ва комбикорм саноати	млрд.сум	50,8	65,9	73,3	98,7	125,4	121,0	135,3	266,3
	%	113,0	114,7	111,2	115,5	113,5	103,5	105,9	
Медицина	млрд.сум					0,3	31,7	38,8	

саноати	%					48,0	2,3 м	171,2	
Бошқалар	млрд.сум	3,5	2,7	3,7	4,6	7,5	29,8	52,2	1493,2
	%	114,2	137,7	124,9	116,1	156,2	3,7 м	159,0	

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

“Unilever chemical” МЧЖда дастур асосида январ-декабр ойлари учун 220,0 тонна 935,0 млн.сўмлик автомобиллар учун антифризлар, 220,0 тонна 468,2 млн.сўмлик автомобил ойналари учун суюлтирилган тозалаш воситаси ҳамда 330,0 тонна 2,5 млрд.сўмлик автомобиллар учун шампун воситалари ишлаб чиқариш белгиланган.

Бироқ, инвесторлар томонидан корхона фаолияти Тошкент вилоятига кўчирилганлиги ҳисобига белгиланган режа-топшириқлари таъминланмаган. Мазкур лойихани дастурдан чиқариш ҳамда лойиха ўрнига вилоятда маҳаллий хом-ашё негизида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган “Мех Маш” МЧЖнинг 5,0 минг тонна ёки 15,5 млрд.сўмлик тўғри чокли электр пайвандли метал трубалар ишлаб чиқариш лойиҳаси таклифи берилган.

“Авто Пласт Парт” МЧЖда ҳисобот даврида 350,0 минг комплект 2,5 млрд.сўмлик автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалда 188,6 минг комплект 1439,3 млн.сўмлик автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилди.

Бунга асосий сабаб январ-июн ойлари давомида тегишли Республика орган ташкилотлари томонидан текширув ишлари олиб борилганлигидир.

“Нам лидер литё сервис” МЧЖда 2014 йилнинг январ-декабр ойлари давомида 6,9 минг дона 340,0 млн.сўмлик 2-комфорли плита печлар ҳамда 200,0 дона 99,0 млн.сўмлик люк қопқоқлари ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалга оширилган ишлар ҳисобига 3,5 минг дона 84,2 млн.сўмлик 2-комфорли плита печлар ҳамда 123,0 дона 61,1 млн.сўмлик люк қопқоқлари ишлаб чиқарилган

Бунга асосий сабаб корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидан буюртмалар тўхтатилганлигидир.

2.2. Наманган вилояти пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорига асосан Наманган вилоятида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Дастурга асосан 2014 йил давомида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича ўндан зиёд корхоналарда кенгайтириш, модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилиб, янги турдаги маҳсулотлар жумладан, тайёр мато, тайёр тикувчилик маҳсулотлари, спорт кийимлари ва пойабзали, галантерея маҳсулотлари, уй-хўжалик моллари, маиший-маданий фойдаланишга мўлжалланган ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши белгиланган.

Наманган вилоятида пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари фойдаси йилдан – йилга ошиб бормоқда. "Дамбоғ пойабзал савдо" ХК си соф фойдаси 2009 йилда 130753 минг сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2014 йилда 394367 минг сўмга етди. Умуман, 2014 йил давомида вилоятнинг ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан 374,2 млрд.сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 141,8 фоизга ўсди ёки 47,2 млрд.сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот турлари бўйича кўрилганда 8,5 млн.пг.м. тайёр матолар ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткич режага нисбатан 103,2 фоизга кўпайган, шунингдек, 960 минг дона тайёр тикув буюмлари (120,0%), 2825,0 минг дона трикотаж маҳсулотлари (101,0%), 769,0 минг жуфт пойабзал маҳсулотлари (121,8%), 926,0 млн.сўмлик галантерея буюмлари (162,7%) ишлаб чиқарилди.

Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари Устав капитали (минг. сўм)

№	Корхоналар номи	Устав капитали			
		2010	2012	2013	2014
1.	"Шарк пойабзали" МЧЖ	145000	145000	145000	145000
2.	"Урикзор қувончи" ХК	180000	180000	180000	180000
3.	"Дамбоғ пойабзал савдо" ХК	95000	95000	95000	95000
4.	Косонсой "А-азиз" МЧЖ	90608	90608	90608	90608

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

«Косонсой Ал-Азиз» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан ҳамда Наманган вилоят Косонсой туман «Косонсой пойабзал фабрикаси» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2003 йил «27» мартдаги умумий йиғилиши қарорига асосан «Косонсой пойабзал фабрикаси» акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий вори ҳисобланади.

Жамиятнинг тузилишидан асосий мақсад кенг тармоқли хўжалик фаолиятини юргизиш, қўшимча меҳнат ўринларини яратиш ҳисобига аҳолининг кам таъминланган табақасини, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари билан таъминлаш, янги техника ва технологик жараёнларни ишга тушириш ҳисобига оғир қўл меҳнатини енгиллаштириш, амалдаги қонунлар доирасида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиб, чет эл фирмалари, концернлари ва фирмарлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, таъсисчилар ва жамият меҳнат жамоасини моддий фаровонлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоя этишдан иборат.

«Косонсой Ал-Азиз» масъулияти чекланган жамияти молиявий барқарорлаштириш мақсадида қуйидаги асосий чораларни кўриш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини 1369000.0 минг сўмга етказиш.

Ҳозирги вақтда 2014 йилда ишлаб чиқариладиган болалар пойабзали маҳсулотлари учун савдо ташкилотлари билан 301000,0 минг сўмлик шартномалар тузиш ҳамда тендер асосида Халқ таълим вазирлиги билан 1068000,0 минг сўмлик болалар пойабзали маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган.

"Шарқ пойабзали" МЧЖнинг устав капитали 145000 минг сўмни ташкил этади, "Ўрикзор қувончи" ХКсининг устав капитали 180000 минг сўмни, "Дамбоғ пойабзал савдо" ХКсининг устав капитали 95000 минг сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 ноябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомасига асосан 2011 йилга Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларига қўшимча вилоятдаги маҳаллий хом-ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи 7 та худудий корхоналарнинг 12 та янги лойиҳалари бўйича жами 21,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларига тенг бўлган лойиҳалар дастурга киритилди.

Ушбу корхоналарининг асосий воситаларининг қиймати йилдан – йилга ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов "Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, импорт товарларидан сифатли, нархи эса арзон бўлган маҳсулотлар билан тўлдириш, юртдошларимизнинг ўсиб

бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш бўйича қўшимча чора тадбирлар кўриш лозим”² деб таъкидлаган эдилар.

2.6-жадвал

Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари асосий воситалари (минг. сўм)

№	Корхоналар номи	Асосий воситалар		
		2012	2013	2014
1.	"Шарқ пойабзали" МЧЖ	79504	210894	278402
2.	"Ўрикзор қувончи" ХК	154098	256085	325790
3.	"Дамбоғ пойабзал савдо" ХК	39432	182435	192750

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Мазкур масалани ечимини топишда ички бозор мухитига мос бўлган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш орқалигина эришиш мумкин.

Вилоятда пойабзал ишлаб чиқаришда юқори улушга эга бўлган “Дамбоғ” ва “Истиқбол” пойабзали савдо корхонаси фаолияти ва унинг ички бозорга йўналтирилган стратегиясини таҳлил этамиз.

Корхонанинг рақобатбардошлиги кенг қўламли жараён, уни ошиб бориши корхонанинг бозор фаолиятини кенгайиб бориши билан изоҳланади. Корхона сотув хажмини ошиб бориши таҳлил қилинаётган бозор кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар тизимини таҳлил қилишдан иборатдир. Корхона бозоридаги ўз улушини оширишининг асосий омиллари қуйидагилар: товарларни стандартлар тизимига мувофиқ келиши, товарлар ассортиментини чуқурлиги ва кенгайтириши, товарлар рекламасининг

² И.А.Каримов “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устивор йўналшларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.UzA.uz.

самарадорлиги, товарларни сотиш географиясини кенгайтириш, товарлар нархининг рақобатдош товарларникига нисбатан мувофиқлик кўрсаткичлари.

2.7-жадвал

“Дамбоғ” ва “Истиқбол” пойабзали савдо корхонасининг Наманган вилояти бозоридаги улуши (% да)

Кўрсаткичлар		2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Дамбоғ	Маҳсулот ишлаб чиқаришда	1,8	4,6	11,8	8	8,2
	Чакана савдосидаги улуши ³	0,016	0,005	0,03	0,033	0,4
Истиқбол	Маҳсулот ишлаб чиқаришда	0,8	4	5,4	7,2	7
	Чакана савдосидаги улуши ⁴	0,002	0,024	0,05	0,058	0,55

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Юқоридаги омиллардан энг кўп таъсирга эга эканлигини “Дамбоғ” пойабзали ва “Истиқлол” корхонаси мисолида топамиз.

2.8-жадвал

“Дамбоғ” ва “Истиқлол” корхоналари кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов	2010	2013	2014 йил
--------------	-------	------	------	----------

³ Корхонанинг Наманган вилоятидаги 2 та чакана савдо шахобчаларида.

⁴ Корхонанинг Наманган вилоятидаги 2 та чакана савдо шахобчаларида.

	бирлиги	дамбоғ	истик	дамбоғ	истик	дамбоғ	истик
Маҳсулот сотишдан тушган тушум	Минг сўм	339560	199066	1756798	736478	1274843	798923
Сотувдаги маҳсулот хили	хил	3	3	3	3	3	3
Маҳсулот бирлигининг бахоси	Минг сўм	30,1	26,5	52,6	48,5	65,2	58,9

Манба: жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Ривожланган мамлакатлардан Япония иқтисодиётига назар ташласак унинг иқтисодиётининг ривожланиш моделида саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга қатаратилган. Япониянинг интенсив ривожланиш моделининг асосий хусусиятлари, бизнесни ташкил қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, юқори малакали ишчи кучи миқдорини кўпайтиришга асосланди. Натижада қайта ишлаш саноатининг ЯММдаги улуши кескин даражада ўсиб борди.

2.9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1050 сонли қарорига асосан Наманган вилоятида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш режаларини бажарилиши

№	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2014 й. ҳолатига мавжуд маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар	
			сони	ишлаб чиқарилган маҳсулот
1.	Пойабзаллар, жами	минг.жуфт	35	1082,0

Манба: жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Вилоятда чармпойабзал ишлаб чиқарувчи 35 та корхоналар мавжуд бўлиб, 33 таси кичик корхоналардир. Пояфзал ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қуввати 2014 йилда 2011 йилга нисбатан 112,9% га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Бундай кўрсаткичларга эришишда пояфзал ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар томонидан мақсадли маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилганлиги билан изохлаш мумкин.

Бирок, ишлаб ишлаб чиқаришда бир қатор ўсиш суратларига эришилгани билан халигача истеъмолчиларда импорт товарларга бўлган истак йўқолганича йўқ. Корхоналар бугунги кун тажрибасидан келиб чиқиб, ички бозорни сифатли пояфзал маҳсулотлари билан таъминлаш, бозорни эгаллаш бўйича бир қатор маркетинг стратегияларидан фойдаланиб келмоқда.

2.10-жадвал

Наманган вилоятида 2011-2014 йилларда кичик корхоналарда ишлаб чиқарилган пояфзаллар

Кўрсаткич	2011	2014	Ўсиш %
Корхоналар сони	31	37	112,9%
Ишлаб чиқариш хажми (минг жуфт)	478,6	623,2	130 %
Ишлаб чиқариш (минг сўм)	2593392,5	7634456,4	294%

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

- таклиф этилаётган пояфзал маҳсулотларини кенг ассартименда таклиф қилиш; 2008 йилда 35 хилни ташкил этган бўлса ҳозирда 212 хилдаги пояфзал маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

-чакана савдо шахобчаларини кўпайтириш арқали ички бозорда импорт товарларига рақобатга киришиш;

- вилоятдан ташқаридаги бозорларни таҳлил этиш орқали янги истеъмол талабни ва сегментини шакиллантириш.

Шундан келиб чиқиб ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини оширишда, таҳлиллardan келиб чиқиб қуйидаги таклифларни киритишимиз мумкин:

- ички бозорни эгалашда маҳсулотни сотишни дивесификациялаш муҳим урин тутади, бу эса сотиш каналларини, географиясини янада кенгайтириш демакдир. Таҳлил қилинаётган “Дамбоғ пояфзали” ишлаб чиқариш ва савдо корхонаси вилоятдан ташқарида 2 та шакана савдо шахобчасини очиш орқали ишлаб чиқариш хажмини 2008 - 2014 йилларда 5,1 баробар оширишга эришганлиги билан изохлаш мумкин.

- яна бир энг мухим омиллардан бири ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни кенг асартимнтда таклиф этишдир. 2011 йилда “Ташаббус-2011” танлови ғолиби “Замин Туркистон” ишлаб чиқариш корхонаси дастлаб 3 типдаги маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, хозирда 20 турдаги турли дизайндаги тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали 2014 йилда 98,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Халқаро дизайндаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқалигина халқаро бозордаги рақобатга эркин кира олади ва мамлакатимизнинг экспорт салохиятини янада оширишга хизмат қилади.

- янги дизайндаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва улар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.

2.3. Наманган вилояти пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида таннарх ва уни режалаштириш фаолияти таҳлили.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда.

Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоятда жами 236 та тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Жумладан, тижорат банкларнинг 52 та филиал ва бўлимлари, 130 та мини банклар, 12 та ахборот-маслаҳат марказлари, 2 та солиқ маслаҳат хизматлари, 24 та аудиторлик фирмалари, 12 та ўқув марказлари, 5 та баҳолаш фирмалари, Товар ҳом-ашё биржасининг 20 та савдо майдончалари, 2 та микрокредит ташкилоти, 4 та кредит уюшмалари, 3 та бизнес инкубаторлар, 94 та брокерлик идоралари тадбиркорларга хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Пояфзал-бу кишининг маълум бир моддий ва эстетик талабини кондириш учун ишлатиладиган воситадир. Шунинг учун пояфзал киши учун энг зарур предметлардан бири бўлиб, ҳалқ истеъмол товарларининг мураккаб гуруҳига киради.

Пояфзал товарлари ишлатиладиган материалнинг турига караб уч классга бўлинади: чарм пояфзаллари, резина пояфзаллари ва жундан босиб тайёрланган пояфзаллар. Буларнинг ичида энг кўп улуш эга бўлгани чарм пояфзалларидир. Уларнинг хиссаси ноозик-овқат товарлари товар оборотининг 5-6% дан кўпроғини ташкил килади.

Чарм пояфзалларига юза қисми табиий ва сунъий чармлар, ҳамда тўқимачилик материаллари (газлама, трикотаж, нотўқима материаллар)дан тайёрланган пояфзаллар киради.

Пояфзал ҳалқ истеъмол товарларнинг энг муҳимларидан бири бўлиб “Кийим” комплексининг элементларидан ҳисобланади. У киши оёғини ташқи мухит таъсирларидан сақлаш функциясини бажаради. Шунинг учун пояфзалларга нисбатан функционал, эргономик, эстетик, пишиқ-пухталик ва техник-иктисодий талаблар қўйилади.

Ҳозирги кунда республикамиз аҳолисини сифатли ва кенг ассортиментдаги пояфзаллар билан таъминлаш мақсадида муҳим чора ва тадбирлар кўрилмоқда.

Маълумки, бозор иктисодиёти муносабатларига ўтиш билан истеъмолчиларнинг ижтимоий таркиби, уларнинг сотиб олиш қобилияти ва пояфзалларнинг сифатига бўлган талаблар тубдан ўзгарди. Шунинг учун республикамиз пояфзал товарлари ишлаб чиқариш корхоналарининг олдида турган асосий вазифалардан бири, ишлаб чиқарилаётган пояфзаллар сифатини истеъмолчилар талабига яқинлаштириш ва уларнинг ассортиментини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Пояфзаллар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар ўзларининг муҳимлиги бўйича асосий ва ёрдамчи материалларга бўлинади.

Асосий материаллардан пояфзалларнинг ташқи, ички ва оралик деталлари тайёрлашда фойдаланилади. Уларга табиий, сунъий ва синтетик чармлар, табиий ва сунъий мўйналар, тўқимачилик материаллари, пластмассалар, ёғоч ва картонлар кирди. Ёрдамчи материаллар пояфзалларни пардозлаш, безаш ва деталларини бир-бири билан бирлаштириш учун қўлланилади.

Табиий чармлар-чарм ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё сифатида кора мол, чучка, куй, эчки ва от терилари ишлатилади. Унча кўп бўлмаган холда буғиу туя ва ёввойи ҳайвонларнинг ҳамда денгиз ҳайвонларининг терилари ҳам ишлатилади.

Чарм ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги операциялардан иборат: тайёрлов операцияси, ошлаш ва пардозлаш операциялари.

Тайёрлов операцияси ҳайвон терисидан дермани (асосий чарм хосил килувчи катлам) ажратиш ва уни ошлашга тайёрлаш мақсадида ўтказилади.

Ошлаш жараёнида хом терига ошловчи моддалар билан ишлов берилади, натижада хом терининг хусусиятлари бирдан яхшиланади ва у чармга айланади.

Ошлаш услубининг номи ошлаш учун ишлатиладиган ошловчи моддалар номидан келиб чиқади; хромли, сирконийли, титанли, алюминли, ёғли, ўсимлик моддали, хромтатансинтанли ва бошқалар.

Ошлашдан кейинги-пардозлаш операсиялари физик-кимёвий жараёнлар ва механик операсияларнинг йиғиндиси бўлиб, чармларга керакли эстетик талабларга жавоб берадиган чиройли ташқи кўриниш бериш ва физик-механик хусусиятлар ато этишдан иборатдир.

Пояфзалларнинг устки кисми учун ишлатиладиган чармларни пардозлаш - барабанларда ранглаш, юмшоклиги, пластиклиги ва сувга чидамлилигини ошириш учун ёғлаш, ғижимланган жойлари, буклам ва қатламларни ёзиш учун- разводка қилиш, юмшоклик ва эластиклик бериш учун тортиш машиналарида тортиш каби операсияларидан ўтказилади.

Табиий пояфзал чармлари ишлатилиши бўйича икки гуруҳга бўлинади: пояфзалларнинг устки ва таг қисми учун.

Пояфзалларнинг устки қисми учун чармлар ўта юмшоқлиги ва унча катта бўлмаган қалинлиги билан характерланади.

Пояфзал чармлари ошлаш усули бўйича хромли, аралаш, ёғли ва формалдегидли чармларга ажратилади.

Юзали хром чармлари (хром лисевой) қора мол териларидан олинади. Чарм пояфзаллари ишлаб чиқариш жараёни уларнинг ассортименти ва сифатини шакллантиришида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Чарм пояфзаллари ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги операциялардан иборат: моделларини проектлаш, материалларни бичиш, тикиш ва пояфзални сўнгги пардозлаш. Пояфзаллар ассортиментини ишлаб чиқиш ва янгилаш асосан уларни проектлаш даврида, сифатни шакллантириш эса, ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида амалга оширилади.

Пояфзалларни проектлаш (моделлаштириш ва конструкциялаш) уларнинг модели, ишчи чизмаси ва деталлар шаблонини ишлаб чиқишдан иборат. Пояфзал материаллари ушбу модел, ишчи чизмалар ва шаблонлар бўйича бичилади.

Чарм пояфзалларининг асосий размерли параметрлари уларнинг размери ва тўлалиги ҳисобланади.

Метрик рақамлаш системаси бўйича пояфзалнинг размери оёқ кафтининг мм даги узунлигини характерлайди. Бир размердаги патакнинг узунлиги оёқ кафтининг узунлигидан катта бўлиши керак (оёқни пояфзал ичида эркин ҳаракати учун). Чегарадош рақамли пояфзалларнинг узунлиги бўйича интервали юфтли ва махсус пояфзаллардан ташқари (булар учун 7,5 м) барча пояфзалларда 5 мм га тенг бўлади. Пояфзалнинг тулалиги унинг ички формаси (панжалар ва тугри дунг жойи бўйича) ва из томонининг (панжа ва товондан) ени айланаси билан характерланади. Панжаларнинг айланаси бўйича чегарадош тулаликнинг узаро интервали 6-8 мм га тенг.

Чарм пояфзаллар туккизта (1-9) тулаликка бўлинади, лекин амалда факат 1-6 тулалик интервалида ишлаб чиқарилади; аёллар, еркаклар ва болалар пояфзаллари учун тулалик сони бирдан учтагача бўлади.

Пояфзалларнинг асосий турларига этиклар, этикчалар, ботинка, ярим ботинка, туфлилар, сандал ва сандалетлар киради.

Чармларнинг навлари уларнинг фойдали майдончалари (плохад) ва нуқсонлари бўйича белгиланади. Фойдали майдончаларига қараб чармлар 1,2,3 ёки 4-навларга ажратилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пойабзаллар 30 %ни, Хитойда ишлаб чиқарилган пойабзаллар 63 % ни, Туркияда ишлаб чиқарилган пойабзаллар 4 ни %, Эърон ва Сурияда ишлаб чиқарилган пойабзаллар 3 % ни ташкил этди.

Товарлар гуруҳлари бўйича таҳлил қилинганда аёллар ва болалар пойабзали ассортиментида Хитойда ишлаб чиқарилган пойабзаллар катта улушга эга.

Бозорда Хитой давлатида ишлаб чиқарилган аёллар ва болалар пойабзалидаги рақобатбардошликнинг бош омили нимада? деган саволга ойдинлик киритсак. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бизнинг савдо шаҳобчаларимизда Республикамизда ишлаб чиқарилган аёллар ва болалар пойабзалларининг ўртача нархи 25 минг сўмни ташкил этмоқда. Хитойда ишлаб чиқарилган аёллар пойабзалларининг ўртача нархи 20 минг сўмни, болаларники 12 минг сўмни ташкил этмоқда. Аёллар ва болалар пойафзалларининг истеъмолчилари кўпроқ уларнинг дизайнига ахамият бермоқдалар. “Дўстлик буюм бозори” МЧЖда таклиф этилаётган аёллар ва болаларнинг ёзги бассаношка, шиппак, туфли, чипс ва красовкалари салмоғидан келиб чиққанда, мавжуд оёқ кийимининг 6 турини 3307 хилдаги турли дизайнда Хитой, Эърон, Туркия ва Сурия давлатларида ишлаб чиқарилган пойабзаллар ташкил этди. Шунинг билан бирга уларни дизайни яхшилиги билан Республикамизда ишлаб чиқарилаётган аёллар ва болалар пойафзалидан тубдан фарқ қилмоқда.

Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришда айниқса касаначиларнинг роли ортиб бормоқда.

2.11-жадвал

Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарини ҳом ашё билан таъминлаш ва ривожлантиришда касаначилик

	Касаначилик турлари	Касаначилар сони	Берилган асбоб-ускуналар, хом- ашё	Ойлик буюртма ҳажми
1.	Хомашё, бутловчи, ярим тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа материалларни ишлаб чиқариш			
1.1.	Терини қайта ишлаш	21	тери	1250
1.2.	Ип тайёрлаш	9	ип, тери	1450
2.	Корхонанинг технологик жараёнида кўп меҳнат талаб қиладиган ва юқори малака керак бўлмайдиган ишлар			
2.1.	Патак тайёрлаш	12	мато, тери	1250
2.2.	Қоғоз кути тайёрлаш	8	картон	1350

Манба: жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Бу борада 2014 йил учун жами «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси» ҳисобидан 58 млн сўм, «Микрокредитбанк» маблағлари ҳисобига эса 24 млн 800 минг сўм маблағ эвазига пойабзал таъмирлаш, сервис соҳаларини ривожлантириш учун маблағлар ажратиш режалаштирилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу соҳалар ички бозоримизни истеъмол товарлари билан тўлдиришда салмоқли хисса қўшмоқда.

2.12-жадвал

Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарини ҳом-ашё ва технологиялар билан таъминлаш йўналишлари

№	Йўналиш номи	Таъминловчилар
1	Резина пойафзал ишлаб чиқариш	Резина пойафзал ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
2	Пойафзал, чарм, мўйна ва чарм-галантерея саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Пойафзал, чарм, мўйна ва чарм-галантерея саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи, ушбу соҳалар учун зарур бўлган игналар ва бошқа деталларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар

3	Қоғоз ва картон буюмлар ишлаб чиқариш	Қоғоз ва картондан ишлаб чиқаришга мўлжалланган турли буюмлар (калька, пергамент, фибра, пойафзаллар учун картон ва б.), шунингдек гулқоғоз(обой), дафтар, албомлар ва бошқа қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
4	Кигиз ва намат буюмларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда)	Қурилиш учун, техник, эгар-жабдук, ўтов, пойафзал таглиги учун кигиз ва наматларини ишлаб чиқарувчи корхоналар. Сайқалловчи намат чамбарак ва бошқалар. Кигиз этикларни, фетрли ва ярим фетрли пайпоқ ва бошқаларни қўшган ҳолда, ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
5	Табиий чарм ишлаб чиқариш	Табиий чарм, замш (бахмал чарм), лайка (майин тери), балиқ териси ва бошқа териларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
6	Сунъий чарм ва пленка материалларини ишлаб чиқариш	Пойафзалларнинг устки қисми, тикувчилик ва атторлик буюмлари, жилдлаш ва қоплаш мақсадлари ва бошқа маиший мақсадлардаги буюм учун юмшоқ сунъий чармларни, ҳамда пойафзалларнинг резина таглиги, ички қисмлари учун қаттиқ сунъий чарм ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
7	Пойафзал ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда)	Чармли, газмол, аралаш матоли, миллий, ортопедик пойафзаллар ва тагчарми чарм ва чарм ўрнини босувчи материаллардан тайёрланган бошқа турдаги пойафзалларни ишлаб чиқарувчи корхоналар (моделлар уйларини қўшган ҳолда)
8	Аҳоли буюртмаси бўйича пойафзал тайёрлаш, тикиш	Аҳоли буюртмаси бўйича пойафзал тикувчи корхоналар
9	Пойафзалларни таъмирлаш	Пойафзалларни таъмирловчи корхоналар

Манба: жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Классификацияга кўра магазинлар очилади ва шу тартибда билим юртларида дарслар олиб борилади. Бу группалардан дастлабки 22 таси маданий ва хўжалик моллари, колган 5 таси эса кийим-кечак ва пойабзал товарлари деб юритилади.

Болалар пойабзали	жуфт	75000	47600	3570	379	310	387	590
-------------------	------	-------	-------	------	-----	-----	-----	-----

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун корхона айланма маблағига кредит ҳисобидан тавсия этилаётган маблағ миқдори 200000,0 минг сўм болалар пойабзали хом-ашё маҳсулотлари сотиб олиш учун жалб этилган.

Ушбу лойихани умумий суммаси 200000,0 минг сўм бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва янги ишчи уринларни яратиш, болалар пойабзали маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун турли хом ашё олишга шартномалар тузиш лойихани бажариш учун харажатлар куйидаги жадвалда келтирилган.

2.15-жадвал

Асосий ва ёрдамчи хом-ашё маҳсулотларини таннарх ҳисоби

т/б	Хом ашё номи	Ўл.бир	миқдори	нархи	Жами бахоси	Изох
1.	Подошва	жуфт	15000	5500	82500000	
2.	Кож товар	дм2	129450	410	53074500	
3.	Кожа искуствен	м,кв	3097,5	8500	26328750	
4.	Кожа искуствен	м,кв	1131	5100	5768100	
5.	Мех искуствен	м,кв	3615	6700	24220500	
6.	Кож картон	м,кв	750	7500	5625000	
7.	Гранитоль	м,кв	825	6400	5280000	
8.	Пресс картон	м,кв	375	5100	1912500	
9.	Бязь	м,кв	825	3300	2722500	
10	Ерд,хом-аше мах.	сум			31131650	
	ЖАМИ				210800000	

Юқоридаги хом ашёни олинган кредит ҳисобидан сотиб олиб бунинг натижасида жамият 15000 жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқариб истъемолчига етказиб беришни таъминлайди.

Юқоридаги жадвалга асосан жамият 1 (бир) жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқариш учун 27374 сўм хом ашё сарфлайди.

2.16-жадвал

"Дамбоғ пойабзал савдо" иш хақи фонди ҳисоби.

№	Ишчилар категорияси	Одам сони	Ўртача ойлик
1	Бошқарув	11	489000
2	Ишчилар	42	498215
	Жами:		

"Дамбоғ пойабзал савдо" ХК да маҳсулот сотишдан соф тушум 2009 йилда 339560 минг сўмни, 2012 йилда 2156594 минг сўмни, 2014 йилда 2674525 минг сўмни ташкил этган. Бу бошқа пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан катта кўрсаткичдир. 2012 йилда соф тушумни камайишига сабаб, электр энергиясидаги мавжуд муаммолар ҳисобланмоқда.

2.17-жадвал

Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархи (минг. сўм)

№	Корхоналар номи	Маҳсулот таннархи			
		2009	2010	2011	2014
1.	"Шарк пойабзали" МЧЖ	119085	343896	598034	878920
2.	"Урикзор кувончи" ХК	238016	305673	496781	748919
3.	"Дамбоғ пойабзал савдо" ХК	139898	834356	1036427	1478398

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархи қуйидагича ўзгарган. "Дамбоғ пойабзал савдо" ХКда 2009 йилда 139898 минг сўм, 2010 йилда 834356 минг сўм, 2014 йилда 1478398 минг сўмни ташкил этган.

"Ўрикзор қувончи" ХКда 2009 йилда маҳсулот таннари 238016 минг сўм, 2010 йилда 305673 минг сўми, 2014 йилда эса 748919 минг сўми ташкил этган.

"Шарқ пойабзали" МЧЖда маҳсулот таннари 2009 йилда 119085 минг сўми, 2010 йилда 343896 минг сўми, 2014 йилда эса 878920 минг сўми ташки этган.

"Дамбоғ пойабзал савдо" ХК си эркаларнинг ёзги, спорт, лакланган пойабзалларини ишлаб чиқаради. Корхона ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида уста-шогирд йўналишини йўлга қўйган. Шунингдек мижозлар учун пойабзалларнинг янги моделларни тақдим этиш устида доим ишлар олиб борилмоқда.

2.18-жадвал

"Дамбоғ пойабзал савдо" ХК чиқариш ишлаб чиқариш захиралари
(минг. сўм)

№	Корхоналар номи	Ишлаб чиқариш захирлари			
		2010	2012	2013	2014
1.	Ишлаб чиқариш захиралари	163710	506433	512463	538947
2.	Келгуси давр харажатлари	78	175	515	724
3.	Тайёр маҳсулот	8569	83302	198918	326786

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Бунинг натижасида 2008 йилда Наманган шаҳар ҳокимлигининг "Энг намунали ҳунарманд" номинацияси ғолиби, Ўзбекистон Президентининг соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус – 2009 кўрик танловида "Энг мурувватли тадбирор" йўналиши бўйича диплом, "Ташаббус – 2010" кўрик танловида "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича 2 даражали диплом,

“Ташаббус - 2011” кўрик танловида “Энг яхши тадбиркор” йўналиши бўйича 3 даражали диплом билан тақдирланган.

Наманган вилоятида белгиланган чора-тадбирлар режаси асосида енгил саноатда иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ва бошқа сарф харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш, мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюктурасини тез ўзгариб бораётган бир шароитда экспорт механизмларини такомиллаштириш шунингдек, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан корхона раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш ва уларни моддий рағбатлантиришга қаратилди.

III. боб. Санаот корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришнинг такомиллаштириш масалалари

3.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш таннархини режалаштиришни такомиллаштириш

Меҳнат унумдорлигини ошириш, хомашё ва материал, ёқилғи ва электроэнергетика харажатларини камайтириш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш сарфларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ташқари, харажатларни тежаш санаот маҳсулоти таннархини пасайтиришнинг энг муҳим манбалари ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги техника, технология жараёнларини ва ишлаб чиқаришни ўстириш ёки ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш орқали ҳар бир меҳнатчи томонидан тайёрланаётган маҳсулотни кўпайтириш керак бўлади. Бу ҳолда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган иш ҳақи қисқаради, аммо ишчининг умумий иш ҳақи эса ортиб боради. Меҳнат унумдорлиги иш ҳақиға нисбатан жадал ўсгандагина таннарх пасаяди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиш моҳияти шундан иборатки, бунда маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган жонли меҳнат улуши камаяди, илғари сарфланган меҳнатнинг улуши эса ортади, бироқ маҳсулот бирлиги учун кетадиган меҳнат сарфи қисқаради.

Материал, ёқилғи ва электр энергия харажатларини камайтириш учун уларни тежаб сарфлаш, қимматбаҳо материалларни арзон, Лекин яхши материаллар билан алмаштириш, уларни сотиб олиш ва корхонаға келтириш билан боғлиқ бўлган сарфларни қисқартириш керак бўлади.

Хизмат кўрсатиш ва бошқариш учун кетадиган харажатларни қисқартиришға эса тармоқ ва корхоналардаги маъмурий бошқарув аппаратининг сарфларини камайтириш, асбоб-ускуна, бино ва иншоотларни

сақлаш, ёритиш, иситиш учун кетадиган маблағларни тежаб-тергаб сарфлаш орқали эришилади.

Унумсиз харажатларни (жарима тўлаш, пеня ва ҳоказолар) тугатиш маҳсулот таннархини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Техника тараққиёти ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари такомиллаштиришнинг, ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни корxonанинг ичида уюштиришни яхшилаш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг таъминловчи омиллари бўлиб ҳисобланади. Масалан, техника тараққиёти маҳсулот таннархини пасайтиришнинг барча манбаларига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва электронизациялаш ҳамда комплекс автоматлаштириш, химиялаш маҳсулот тайёрлаш учун сарфланадиган солиштирма харажатларни камайтиради.

Ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш даражасини ҳисоблаш учун энг аввало ундаги резервларни, яъни фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш керак. Улар кўзга ташланадиган, юзаки, жуда мураккаб, кўз илғамайдиган бўлиши мумкин. Фақат чуқур, ҳар тарафлама иқтисодий-техник таҳлилдан кейин уларни аниқлаш, топиш мумкин бўлади.

Резервлар ҳар хил белгиларга қараб гуруҳларга ажратилиши мумкин. Улар энг аввало тўпланиш жойига қараб ички ишлаб чиқариш ва ташқи резервларга ажралади.

Ташқи резервларга тармоқлар бўйича резервлар, регионал (ҳудудий) ва табиий-экологик резервлар киради.

Резервлар сафарбар этилиши муддати бўйича жорий ва истиқболли резервларга ажралади.

Резервларни ишлаб чиқариш жараёнларининг элементлари бўйича ҳам гуруҳларга бўлиш мумкин. Бундай резервларга меҳнат, моддий ва асосий фондлардан фойдаланиш резервлари киради.

Корхона ёки тармоқ фаолиятини таҳлил этиш учун резервларни иккига бўлиб кўриш мумкин:

- ташкилий-техникавий резервлар;
- ижтимоий-иқтисодий резервлар.

Мана шу юқорида келтирилган барча резервлар, яъни фойдаланилмаётган имкониятларни сафарбар этиш, ишга солиш ҳамда шу асосда таннархни кескин пасайтириш учун бир қатор омиллардан кенг фойдаланиш ва уларни ҳисоблаб чиқиш керак.

Маҳсулот таннархини режалаштириш меҳнат, моддий ва молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилгандир. Таннарх режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Маҳсулот таннархини пасайтириш режаси;
2. Маҳсулот таннархини калькуляция этиш;
3. Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси;
4. Товар ва сотиладиган маҳсулот таннархининг ҳисоби.

Таннарх режаси, икки босқичда ишлаб чиқилади. Биринчи босқичда, энг аввало, ҳисобот йилида режаларнинг бажаралиши таҳлил этилади, маҳсулот таннархини пасайтириш, фойда ва рентабелликни ошириш резервлари аниқланади ва аниқланган резервлардан фойдаланиш тадбирлари белгиланади, режа лойиҳаси ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда эса режанинг узил-кесил лойиҳаси ишлаб чиқилади ва бу режа топшириқлари корхона бўлимларига етказилади.

Маҳсулот таннархи ва уни пасайтириш топшириқлари давлат ва корхона режасида юқоридан белгиланмайдиган, аксинча, корхоналарнинг ўзида ҳисоб қилинадиган кўрсаткич ҳисобланади. Шунга қарамай, маҳсулот таннархи саноат кўрсаткичларидан бири бўлиб қолаверади. Чунки саноат маҳсулоти таннархини пасайтириш ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини ошириш резервларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот таннархи

қанчалик паст бўлса, албатта, бошқа шарт-шароитлар бир хил бўлган ҳолда (масалан, худди ўша маҳсулотнинг нархи барқарор бўлганда) уни сотишдан келган фойда ҳам шунчалик кўп бўлади.

Бир қанча чет эллик кузатувчиларнинг таҳлилига қараганда, иқтисодий ўсишни таъминлашда режалаштириш катта ўрин тутди. Эркин бозор мавжуд бўлган, саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида иқтисодиётни режалаштиришда узоқ муддатли режалаштириш тизимини Япония ҳукумати ҳам қувватлайди.

Ғарбда фақатгина Франция ва Швеция - японча услубдаги иқтисодий ўсишида «индектив» режалаштиришни тан олади. Бошқа мамлакатлар, шу жумладан, Германия, Буюк Бретания ва Канада ҳам иқтисодни узоқ муддатли режалаштириш режасига эга. Бу режа тор соҳани қамраб олган, яъни харажатлар режалаштирилган бўлиб, улар иқтисодий сиёсатда ҳеч қандай ўзгаришлар қилмайди. Бир қанча чет эл кузатувчиларининг кузатиш натижаларига қараганда, Япония ҳокимият органлари билан хусусий сектор ўртасида қалин муносабат ўрнатилган бўлиб, бу муносабат мамлакатнинг ягона мақсадини амалга оширишга хизмат қилади.

Бошқа томондан қараладиган бўлса, Япония иқтисодчиларининг кўпчилиги Япон режасини иқтисодий ўсишни кўрсатувчи «декорация» деб таърифлайдилар. Бунда иқтисодий фаолият натижалари дастурда кўрсатилган йўриқномалардан фарқ қилиб, иқтисодга дастурда кўрсатилган ҳолатда татбиқ этилмайди. Бу хилдаги иқтисодчилар иқтисодий ўсиш дастурига бошқача ёндашиб, режани ўзгариб турувчи режа кўринишида таҳлил этадилар.

Япониянинг таннархни режалаштиришдаги асосий ўрнини кўйидагилар орқали кўрсатамиз:

1. Келажакни таҳлил этишга мўлжалланган режа (прогноз) - унинг асосида корхона иқтисодиёти ривожланиши мумкин ва ривожланиши керак;

2. Асосий иқтисодий йўналиш кўрсаткичларини таҳлил этишда, бошқаришда, ўрта ва узок муддатли иқтисодий сиёсатини олиб боришда, мақсадни кўрсатишда ҳокимият қатнашиб, иқтисодиётни режалаштиради;

3. «Корпоратив ҳамда уй хўжалиги» фаолиятига асосий «директив» йўналишлар беради.

Кичик лойиҳаларни тузишда ривожланишнинг бир қанча кичик сабаблари мавжуд:

Биринчидан, режалаштириш мақсади иқтисодий ўсишдан келиб чиқиб, ижтимоий масалаларни таҳлил этаяпти.

Иккинчидан, иқтисодий иқлим туфайли иқтисодий истиқболни кўрсатиш бирмунча кийинлашди, ҳалқаро муносабатдаги ўлчов бирликлари бўлими, нефть баҳоси, валюта курси кўрсаткичлари тебраниб турибди.

Учинчидан, ҳокимият иқтисодий истиқболни ифодаловси алоҳида кўрсаткичларни кўрсата олмайди, бу кўрсаткичлар Дастур билан бир хил кўринишда тузилган эди.

Юқорида стратегик режалаштиришнинг чет эл тажрибаси Япония мисолида кўриб чиқилди. Япония менталитети, турмуш тарзи, ишга ёндошуви Ўзбекистонга бошқа мамлакатларга қараганда анча яқин.

Таннархни режалаштириш стратегияси корхонанинг ўзидаги ҳолатдан келиб чиқиб белгиланади ва қуйидаги муҳим жиҳатлар таҳлил қилинади

Корхона даражасидаги стратегия

№	Бўлимлар	Аниқлаб олиниши зарур бўлган жиҳатлар
1.	Маркетинг	<p>Бозорнинг қайси бир сегментига эътиборни кучайтириш лозим?</p> <p>Нима учун айнан шу корхона товарлари сотиб олиниши керак?</p> <p>Ассортимент ва сифат қандай бўлмога лозим?</p> <p>Товарни реклама қилишдан бошлаб то сотишгача бўлган босқичларда сарфланадиган маблағларни қандай тақсимлаш керак?</p> <p>Баҳо сиёсати қандай бўлмоғи лозим?</p> <p>Бозор салмоғи минтақалар бўйича қандай бўлиши керак?</p>
2.	Ишлаб чиқариш	<p>Ишлаб чиқаришнинг мўлжаддаги даражаси қандай бўлиши керак?-</p> <p>Инвестиция қаерга ва қачон қилинса маъқулроқ?</p> <p>Эҳтиёт қисмларни сотиб олиш керакми ёки уларни корхонанинг ўзида тайёрлаган маъқулми?</p> <p>Ишлаб турган ишчиларга қандай даражадаги малака зарур?</p> <p>қанча муддатга етадиган захира тўплаш керак?</p>
3.	Молия	<p>Жорий ва капитал харажатлар кўлами қандай?</p> <p>Молиялаштириш манбалари қанақа?</p> <p>Айланма капитални қандай молиялаштириш керак?</p>
4.	Кадрлар	<p>Тайёргарлик кўрган ходимларни ишга қабул қилиш керакми ёки борларини ўқитиш лозимми?</p> <p>Ишлаб турганлар сонини қандай қисқартириш керак?</p> <p>Ишчи кучига бўлган ҳақиқий талаб қандай?</p> <p>Ходимни қандай қилиб сақлаш ёки жалб қилиш мумкин?</p>
5.	Тадқиқ фаолияти	<p>Тадқиқотнинг қайси йўналишига устуворлик бериш лозим?</p> <p>Товарнинг қайси жиҳатларига қачон ўзгартириш киритиш керак?</p>
6.	Таъминот	<p>Товарни ким етказиб беради?</p> <p>Етказиладиган товар ассортиментига қандай ўзгартириш киритиш зарур?</p>

Қуйидаги эса стратегик режалаштириш маълум бир корхона мисолида кўриб чиқилади. Яъни, ўтказилган сўровномада ишчи-ходимлар қатнашиб, корхонада бўлаётган ишларга ҳамда истиқболдаги тараққиётни аниқлаш бўйича ўз фикрларини билдириб ўтадилар.

Ходимларнинг қуйидаги ҳолатларга нисбатан фикрини аниқлаб олинади

3.2-жадвал

Корхонанинг истиқболдаги тараққиётини аниқлаш бўйича саволлар

№	Мўлжалдаги ҳолатлар	йўқ	Аниқроғи		ха
			йўқ	ха	
1.1.	Корхона ўз тараққиётининг аниқ мақсадларига эга				+
1.2.	Режа ва топшириқлар ҳар доим бажарилади	+			
1.3.	Маҳсулот аниқ стандарт ва меъёрлар асосида ишлаб чиқариляпти		+		
1.4.	Маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича режали иш олиб бориляпти				+
1.5.	Маҳсулот ассортименти тез-тез янгиланиб туради	+			
1.6.	Ишяб чиқариш иш билан тўла таъминлатан	+			
1.7.	Корхона доимий товар етказувчи билан ишлайди		+		
1.8.	Ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиш ҳоллари камдам-кам бўлади				+
1.9.	Корхона маҳсулоти истеъмолчиларга жуда яхши маълум	+			
1.10	Харидорларнинг фикри доимо ўрганилиб борилади				+
1.11.	Асосий рақобатдошлар фаолияти мунтазам таҳлил қилиб борилади				+
2.1.	Яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилган, тартиббузарлик каби нохушликлар содир бўлган ҳолларда уларнинг сабабчиларини аниқлаш фаоллик билан олиб борилади.				+
2.2.	Бошқаришнинг қуйи ва ўрта бўғиняридаги кўпгина раҳбарлар ўз тинчлигини турли ёзиш-мава чиройли ҳисоботларни тақдим этиш йўли билан сақлайдилар			+	
2.3.	Ахборот олишгарухсат ходимнинг вазифасига			+	

	қараб эмас, балки унинг эгаллаган мавқеига қараб берилади				
2.4.	Корхонанинг ўз олдига қўйган мақсади аниқ эмас. Кўпларга бу мақсад номаълум				+
2.5.	Агар хатога йўл қўйилган бўлса, хатоги унга йўл қўйган ходимнинг ўзи эмас, балки энг аввалоунинг бошлиғи ёки касбдошлари билади.			+	
2.6.	Корхонада "корхона худбинлиги" ҳукмрон	+			
2.7.	Қабул қилжган қарорларни ходимлар ўзлари учун эмас, балки ўзларига қарши қарорлар деб қабул қилишади.	+			
2.8.	Кўпгина раҳбарлар бошқаришни жамоа асоси-да бўлишига интилишмайди. Улар "Бўйсунувчига буйруқ" тарзида иш тутадилар.				+
2.9.	Раҳбарлар тўғрисида гап борар экан, одатда "Улар юқоридагилар" деб шама қилишади				+
2.10.	Ихтилофлар кўп ҳолларда майда-чуйдалар туфайли юзага келади				+
2.11.	Мажлислар узоқ давом этади ва кўп ҳолларда натижасиз тугайди. Бу ерда гап масаланинг моҳияти ҳақида эмас, балки ўзининг нафсонияти учун кураш тўғрисида боради.	+			
2.12.	Ходимлар қанчалик ўз касбини билади ва уни қандай даражада уддалаяпти, бу ҳақда раҳбар жуда кам билади. Хоттоки, у ходим меҳнатини қайси меъёрлар асосида баҳолашни ҳам билмайди.				+
2.13.	Ишда ғайрат, иштиёқ, ташаббус кам уч-райди	+			
2.14.	Кўпгина ходимлар шартномаларнинг тузилганини, иш режимини ва мансабга оид қўлланмаларни ситковлик билан "ковлашади". Улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан				+
2.15.	Раҳбарларнинг уқувсизлиги кўпгина ходимларни таажжубга солади. Шу савия учун ҳам шунча узоқ ўқиш керакмиди? Ундай раҳбарлар нимага кодир зканликларини кўрсата олмайдилар.			-	
2.16.	Зое кетган вақт ва сифатсиз бажаршган иш ахир оқибатда корхонага, қолаверса ҳар бир ходимга зиён етказади, деган ташвиш ҳамма вақт ҳам ўз аксини топмайди.	+			
2.17.	Ходимлар жамоа услубидаги раҳбарлжни ун-чамик ёқтирмайдилар.				

Бу ерда қониқарсиз жавоблар салмоғи қанчалик юқори бўлса, стратегияни аниқ белгилаш жунчалик хавф остида қолади.

3.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;


- энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

Санаот корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.



10 - расм. Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказилиши ва қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш;
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш;
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш;
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш;
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш.

Шунингдек, ҳозирда таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини пасайтириш учун моддий ресурслар сарфини камайтириш, улардан самарали фойдаланиш йўналишларини тузиш керак. Олиб борилган тадқиқотлар асосида ва ўтказилган таҳлиллар натижасида моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишларини тузишга ҳаракат қилдиқ. Фикримизча улар қуйидагилардан иборатдир:

1.Моддий ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни меъёрлаштиришни такомиллаштириш.

2.Ресурсларни тежашга имкон берувчи технологияни жорий этиш.

3.Ишлаб чиқариш чиқиндиларни қайта ишлашни такомиллаштириш.

4.Ишлаб-чиқариш захиралари ва ишлаб-чиқариш муносабатларини энг муқобил даражаси ва нисбатини аниқлаш.

5.Иккиламчи хом-ашёни топиш, тайёрлаш, фойдаланишни ташкил этиш ва режалаштиришни такомиллаштириш.

6.Меъқёрдан ортиқча захираларни оборотга киритиш ва моддий ресурслардан фойдаланишда тезкор мосланувчанлик.

7.Моддий ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ва рағбатлантиришни такомиллаштириш.

8.Моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилишни такомиллаштириш.



11-расм. Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишларини такомиллаштириш

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг энг мухим йўналишларидан бири моддий ресурсларни меъёрлаштиришни такомиллаштиришдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонадаги ишлаб чиқариш самарадорлигини умумий ҳолатини ифодалаш учун корхонанинг бозор хиссаси кўрсаткичидан фойдаланишни таклиф қиламиз. Бозорда сотилаётган турли маҳсулотларнинг умумий ҳажмида корхона томонидан сотилган маҳсулотлар қандай даражани ташкил этиш бўйича ҳисобланган бу кўрсаткич корхонанинг турли иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасини ифодалайди. Корхоналардаги ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқариш ҳажми билан эмас, балки бозорда сотилган маҳсулот ҳажми билан аниқлаш самарадорликни янада аниқроқ билишга хизмат қилади.

Шу билан биргаликда, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини бир бирлик вақт ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан эмас, балки сотилган маҳсулот миқдори бўйича аниқлашни тавсия қиламиз:

сотилган маҳсулот миқдори

$M^* \text{-----}$

Ходимлар сони

Бу формуладаги сотилган маҳсулот ҳажмини натурал кўрсаткичларда кўйилса яна ҳам аниқроқ бўлар эди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишлаб чиқариш самарадорлигини умумий ҳолатини тавсифлаш учун фаолият рентабеллиги кўрсаткичидан фойдаланиши таклиф қиламиз.

Ушбу кўрсаткичда бозор омилларининг ўзгариши, бозор нарҳининг ўзгартириш ҳам ҳисобга олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

$R_{\phi} * \frac{\Phi \text{ Б м}}{\text{-----}} .100;$

Σ S

Бу ерда : R_ф- фаолият рентабеллиги;

Ф- корхона оладиган умумий фойда;

Б_м- бозор муҳитининг ўзгариши, экологик вазият таъсири ва б.қ.лар.

Σ S –корхона салоҳияти (асосий ва айланма воситалар, ходимлар салоҳияти, ахборот технологиясидан фойдаланиш даражаси ва х.к.лар).

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги асосий йўналишларни таклиф қиламиз:

1. Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ҳозирги ўзгариб турган бозор шароитига мослаштириш лозим. Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, муҳитга тез мослашувчан бўлишини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Улардаги бошқарув фаолиятини ҳам такомиллаштириш керак. Бошқарув қарорлари қабул қилишда корхонанинг бозор ҳолатини ўрганиш асосида бозор имкониятларини ошириш ҳисобга олиниши лозим.

2. Бизга маълумки, иқтисодий самарадорлик мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. ишлаб чиқариш корхоналари ўзлари фойдаланилаётган моддий, технологик, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан самарали фойдаланиш йўллари белгилаши керак.

3. Моддий ресурслар: хом ашё, электроэнергия, ёқилғи ва бошқа хом ашёларнинг сарфлаш меъёрларига қатъий амал қилиш, меъёрлардан ҳам камроқ даражада сарфлаш имконини берувчи тадбирларни тузиш лозим. Бир бирлик хом ашёлардан маҳсулот чиқиши фоизини орттириш, чиқиндилар миқдорини камайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун дастгоҳларни сифатли таъмирлашни йўлга қуйиш, ходимлар малакасини ошириш керак. Мажбурий равишда чиққан чиқиндиларни қайтадан ишлаб чиқаришга қўйиш ёки улардан қушимча ҳалқ истеъмол буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш лозим. Ишлаб чиқаришда кам энергия ва ёқилғи сарфини талаб этувчи технологиялардан фойдаланиш ҳам катта самара беради. Ишлаб чиқарилган

маҳсулот ҳажмини, қутисининг ҳажмини ошириш, уларни ўраш, боғлаш учун ёрдамчи материалларнинг тежалишига олиб келади. Хом ашё сарфининг орттишига йўл қўйган ходимларни жазолаш ҳам уларнинг масъулиятини оширади.

4. Технологик ресурслардан интенсив равишда фойдаланишни йўлга қўйиш, аввала самара бермаётган, жисмоний ва маънавий эскирган дастгоҳларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш лозим. Қолганларини сифатли тарзда таъмирлаш ва мунтазам унумли ишлаши мақсадида доимий назоратни амалга ошириб бориш керак.

5. Корхона ихтиёридаги молиявий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, уларни корхона бўлимлари ўртасида тақсимлашда энг катта самара келтириши мумкин бўлган бўлимларга бериш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий математик усуллар ёрдамида корреляция коэффициентларини топиш орқали корхонадаги бўлимларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳиссаси орқали энг самарали бўлимни топамиз ва шу бўлимга энг асосий маблағни тақсимлаймиз.

6. Корхонадаги ишлаб чиқариш самараси асосан меҳнат ресурсларига боғлиқдир. Ишловчиларнинг малака ва меҳнат кўникмаларини ошириш орқали меҳнат унуидорлигининг ортишига эришиш мумкин. Улар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш, самарали тарзда меъёрлаштириш, меъёрларнинг бажарилишига эришиш орқали ҳам меҳнат унумдорлигини ортиши мумкин.

7. Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий-хўжалик фаолиятини бозор талаби ва истеъмолчи танловига томон йўналтириш, истеъмолчи истагини ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш самарасига катта таъсир кўрсатади.

8. Ишлаб чиқариш ҳаражатларини мунтазам равишда камайтириш чоратadbирларини кўриш. Шартли ўзгармас харажатлардан тежашга алоҳида этибор бериш яхши самара беради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ортиши орқали шартли-ўзгармас харажатлардан бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган қисми учун тежаш мумкин.

9. Корхона фаолиятининг якуний натижалари буйича масъул бўлган шахсларга қарор қабул қилиш эркинлигини берувчи хўжалик механизмига эга бўлиш лозим.

10. Ишлаб чиқариш корхонасининг мақсадларини, миссияни, режа ва дастурларини бозордаги ҳолатга мос равишда ўзгартириб туриш.

11. Корхонадаги ишлаб чиқариш фаолиятида ва қарор қабул қилишда ахборот манбаларидан етарли даражада фойдаланиш ва уларни малакали тарзда таҳлил қилиш корхонадаги самарадорликнинг ортишига олиб боради. Ҳар бир соҳада қабул қилинадиган қарор асосланмоғи лозим. Қарорни асослашда ахборот ресурсларидан унумли равишда фойдаланиш керак.

Ушбу юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишларни малакали тарзда жорий этган саноат ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб бораверади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархини пасайтириш самарадорлигини ошириш муаммолари ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароитларига боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароити деганда ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар йигиндисини тушуниш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароитларини икки гуруҳ омиллар ёрдамида аниқлашни таклиф қиламиз:

1. Ишлаб чиқаришнинг моддий ресурсларидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар.

2. Меҳнат шароитларига таъсир этувчи омиллар.

Ишлаб чиқаришдаги моддий ресурслардан фойдаланишга таъсир этувчи омилларнинг биринчи гуруҳи моддий ресурслардан фойдаланишни рағбатлантирувчи кўрсаткичлардир. Моддий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи кўрсаткичларни ҳамда режалаштириш тизимини такомиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги режалаштириш тизимида моддий ресурслардан фойдаланиш, ҳар бир бирлик хом ашёдан маҳсулот чиқиши фоизи сингари кўрсаткичлар режалаштирилади. Энг асосий ҳолат ҳисобланган – моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш эвазига бериладиган рағбатлар миқдори режалаштирилмайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги мураккаб ҳолатда замонавий ташкилотлар фаолиятини рағбатлантириш корхона ва ташкилотлардаги иқтисодий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш бўйича вазифалар бажарилишини ҳисобга олувчи комплекс кўрсаткичлар орқали аниқланиши ва амалга оширилиши лозим.

Саноат корхоналаридаги йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришларида ишлаб чиқариш фаолияти самараси чиқаётган маҳсулотларининг материал сиғими орқали аниқланиши мақсадга мувофиқдир. Маҳсулот таннархида хом ашё ва материалларнинг тутган ўрни орқали иш натижаларини солиштириш мумкин. Олинган натижалар асосида рағбатлантиришни йўлга қўйиш мумкин.

Нархларнинг нарх бўйича рақобати, уларнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Баъзи бир корхоналар малакали тарзда нарх ўрната олмайдилар. Натижада, уларнинг иқтисодий аҳволлари оғирлашиб кетади, рақобат курашида енгилдилар ва фаолиятни тўхтатиб қўйишга мажбур бўладилар.

Ишлаб чиқариш корхоналари ўзларида нархлаштириш дастурини тузишларини ва амалга оширишлари лозим.

Ушбу дастурларда қўйидагиларга амал қилишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Маҳсулотга белгиланаётган нарх ишлаб чиқариш харажатларига йўналтирилиши керак.
2. Нархларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш.
3. Бозордаги ўзгаришларни ҳисобга олиш.
4. Нархнинг ўрни ва ролини туғри тушуниш.

5. Нарх белгилишда маркетинг элементларидан тўғри фойдаланиш.

6. Турли маҳсулоткўпроқларнинг хўсусиятларини ҳисобга олиш.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароитларини яхшилаш учун ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришлари фаолиятини такомиллаштириш талаб этилади. Улар томонидан ишлаб чиқаришга ўз вақтида ва узлуксиз равишда электроэнергия, ёнилғи, буғ, сув ва бошқа зарурий материаллар етказиб берилишига эришиш, таъминот масаласида узилишлар бўлмаслигига эришиш лозим. Корхонадаги ёрдамчи ишлаб чиқаришлардан ҳисобланган таъмирлаш бўлимининг иши ҳам замонавий талаблар асосида ташкил этилмоғи лозим. Барча дастгоҳлар, асбоб – ускуналар ўз вақтида ва сифатли ҳолда таъмирланиши катта самарага эришиш имконини беради.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароити деганда ишчининг функционал ҳолатига таъсир этувчи омиллар йиғиндисини тушунилади. Ишчининг функционал ҳолати – бу иш қобилияти ва соғлиғидир. Меҳнат шароитлари ишлаб чиқариш даражасига мос бўлади ва уни белгилайди. Меҳнат шароитлари кишининг ҳолатига (физиологик ва руҳий) таъсир кўрсатади. Натижада меҳнат унумдорлигини ҳам таъсир кўрсатади.

Корхоналарнинг бозорларда қайси маҳсулот ёки хом ашёга эҳтиёж борлигини билишлари, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун зарур бўлган материаллар ва хом ашёни қайси корхоналардан олишлари мумкинлиги тўғрисида ахборотга эга бўлишлари уларнинг ривожланиши, умуман мамлакат иқтисодиётининг юксалишида муҳим омил ҳисобланади.

Бундай ахборотларнинг етарли эмаслиги ва уларни олишдаги қийинчиликлар мавжудлиги сабабли мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёки ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган хом ашё, бутловчи қисмлар, материаллар ёки тайёр маҳсулотларни валюта эвазига, кўпинча қиммат нархларда хориждан олиб келиш ҳоллари мавжуд. Бунга барҳам бериш

мақсадида мамлакатимизда тармоқ, тармоқ ичидаги ва халқаро саноат кооперациясини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз корхоналарининг кооперацион алоқаларини кенгайтириш бир неча вазифаларни ҳал этиш имконини беради.



12-расм. Кооперацион алоқаларни кенгайтириш орқали ҳал этилувчи вазифалар

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашнинг таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида саноат корхоналарининг ўрни ва роли ниҳоятда каттадир. Иқтисодийнинг саноат тармоқларидаги корхона ва ташкилотларнинг ривожланиши учун ҳамда уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун уларнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш ва уни режалаштириш омилларини таҳлил қилиш ва бу соҳадаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш йўллари ва йўналишларини белгилаш мақсадида ўтказилган ушбу тадқиқот ишида саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти, уларда таннарх ва уни

режалаштириш фаолияти, унинг хусусиятлари, маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва уни ривожлантириш масалаларини ўрганиш сингари ишлар амалга оширилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги техника, технология жараёнларини ва ишлаб чиқаришни ўстириш ёки ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш орқали ҳар бир меҳнатчи томонидан тайёрланаётган маҳсулотни кўпайтириш керак бўлади. Бу ҳолда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган иш ҳақи қисқаради, аммо ишчининг умумий иш ҳақи эса ортиб боради. Меҳнат унумдорлиги иш ҳақиға нисбатан жадал ўсгандагина таннарх пасаяди.

2. Маҳсулот таннархини режалаштириш меҳнат, моддий ва молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилгандир. Таннарх режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- маҳсулот таннархини пасайтириш режаси;
- маҳсулот таннархини калькуляция этиш;
- ишлаб чиқариш харажатлари сметаси;
- товар ва сотиладиган маҳсулот таннархининг ҳисоби.

3. Япониянинг таннархни режалаштиришдаги асосий ўрнини қуйидагилар орқали кўрсатамиз:

-Келажакни таҳлил этишга мўлжалланган режа (прогноз) - унинг асосида корхона иқтисодиёти ривожланиши мумкин ва ривожланиши керак;

-Асосий иқтисодий йўналиш кўрсаткичларини таҳлил этишда, бошқаришда, ўрта ва узок муддатли иқтисодий сиёсатини олиб боришда, мақсадни кўрсатишда ҳокимият қатнашиб, иқтисодиётни режалаштиради;

-«Корпоратив ҳамда уй хўжалиги» фаолиятига асосий «директив» йўналишлар беради.

4. Санаот корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

5. Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказилиши ва қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш;
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш;
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш;
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш;
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш.

6. Шу билан бирга ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини пасайтириш учун моддий ресурслар сарфини камайтириш, улардан самарали фойдаланиш йўналишларини тузиш керак. Олиб борилган тадқиқотлар асосида ва ўтказилган таҳлиллар натижасида моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишларини тузишга ҳаракат қилдик. Фикримизча улар қуйидагилардан иборатдир:

1.Моддий ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни меъёрлаштиришни такомиллаштириш.

2.Ресурсларни тежашга имкон берувчи технологияни жорий этиш.

3.Ишлаб чиқариш чиқиндиларни қайта ишлашнинг такомиллаштириш.

4.Ишлаб-чиқариш захиралари ва ишлаб-чиқариш муносабатларини энг муқобил даражаси ва нисбатини аниқлаш.

5.Иккиламчи хом-ашёни топиш, тайёрлаш, фойдаланишни ташкил этиш ва режалаштиришни такомиллаштириш.

6.Меъқёрдан ортиқча захираларни оборотга киритиш ва моддий ресурслардан фойдаланишда тезкор мосланувчанлик.

7.Моддий ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ва рағбатлантиришни такомиллаштириш.

8.Моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилишни такомиллаштириш.

7. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароити деганда ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар йигиндисини тушуниш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароитларини икки гуруҳ омиллар ёрдамида аниқлашни таклиф қиламиз:

-ишлаб чиқаришнинг моддий ресурсларидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар.

-меҳнат шароитларига таъсир этувчи омиллар.

8. Ишлаб чиқариш корхоналари ўзларида нархлаштириш дастурини тузишларини ва амалга оширишлари лозим.

Ушбу дастурларда қўйидагиларга амал қилишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

-маҳсулотга белгиланаётган нарх ишлаб чиқариш харажатларига йўналтирилиши керак.

-нархларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш.

-бозордаги ўзгаришларни ҳисобга олиш.

-нархнинг ўрни ва ролини туғри тушуниш.

-нарх белгилишда маркетинг элементларидан туғри фойдаланиш.

-турли маҳсулоткўпроқларнинг хўсусиятларини ҳисобга олиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент фармонлари ва асарлари.

1. И.А Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. «Халқ сўзи», 2009 й., 14-февраль, № 33-34
2. И.А Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995 йил
3. Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
4. И.А. Каримов. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2013 йил
5. И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. 65-б.
6. И. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. 37-б.
7. И Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, «Ўзбекистон» 2009 й.

II. Махсус адабиётлар.

7. А. Солиев. Маркетинг. Дарслик. Тошкент 2010.
8. М. Шарифхўжаев Ё. Абдуллаев “Менежмент” Тошкент 2003 йил.
9. Ю.В. Богатин Экономическая оценка качества и эффективность работ предприятий. М. «Экономика», 1992. 57-б.
10. К. Турсунхўжаев «Корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш» Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. 36-б.

- 11.Ш.Тўрақулов «Эффективность функционирования промышленного производства в условиях реформирования экономики» Тошкент, «Ўзбекистон», 1995. 41-б.
- 12.В.Чжен. Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. 38-б.
- 13.С.Ғуломов ва бошқалар «Мустақил Ўзбекистон» Тошкент, Тошкент Ислам Университети, 2003. 34-б.
- 14.Э.Х.Махмудов. Корхона иқтисодиёти. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент,2004
- 15.Н.А.Зайцев. Экономика промышленного предприятия, Москва: ИНФРА-М, 1996.
- 16.Саноат ишлаб чиқариш иқтисоди ва уни ташкил қилиш. Тошкент, 1990 й.
- 17.Шумпетер И. Теория экономического развития исследования предпринимательского прибыли, капитала, кредита процента и цикла конъюнктурѣ. Москва, Прогресс, 1982 г.
- 18.Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. Перевод с английского, Москва, Прогресс, 1990 г.
- 19.Худайбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства. Ташкент, 2002 г.

III.Интернетдан олинган маълумотлар.

20. www.referat.ru
21. <http://www.referatov.net>
22. www.cer.uz
23. www.5balov.ru
24. www.students.ru//referats/
25. www.allbest.ru//refall.htm
26. www.cfin.ru
27. www.review.uz